Мусобақа шартларига имзо чекишдан мақсад умум ишда ғалабага эришишдир. Мусобақада бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик, яхши ишларимизни ҳасад қилмай, эринмай ўрганайлик, бир-биримизга, айниқса кейинда қолаётганларга кўпроқ кўмаклашайлик, сахий, бағри кенг, самимий деҳқон ҳеч вақт ўз тажрибасини бошқаларга ўргатишдан чарчамайди! Мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини билиб туришнинг энг яхши усули ўзаро текширишлардир

(БИР ГРУППА ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТИДАН).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 145 (13.101).
24 ИЮНЬ 1965 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

«ПАХТА УСТАСИ» ЗНАЧОГИ

Колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари ўртасида пахтачиликни янада ривожлантириш учун мусобақани кенг қизитиш, пахта етиштириш илғорларини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг коллегияси кўкракка тақиладиган «Пахта устаси» значогини таъсис этди.

Кўкракка тақиладиган «Пахта устаси» значоги билан пахта етиштиришда бевосита банд бўлган кишилар — меҳнатга социалистик муносабатда бўлишнинг энг яхши намунасини кўрсатган, ўзининг бевосита меҳнати билан ва илғор агротехникани, комплекс механизацияни жорий қилиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани қўлланиш асосида пахтадан мўл ҳосил етиштираётган ва айни вақтда маҳсулотнинг таннархини камайтиришга эришаётган, давлатга пахта топшириш ва сотиш планини 2-3 йил мобайнида муттасил бажариб келаётган колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, сувчилар, бригада ва звено бошлиқлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, совхозларнинг бўлим бошқарувчилари мукофотланадилар.

Область қишлоқ хўжалик бошқармалари ва Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан область ташкилотлари билан келишган ҳолда кўкракка тақиладиган «Пахта устаси» значоги билан мукофотлаш учун тавсия этилган кандидатлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг коллегияси томонидан қараб чиқилади ва тасдиқланади.

Қуйида значокнинг нусхаси тасвирланган.

МУСОБАҚАНИНГ КУЧИ

Социалистик мусобақа мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим воситалардандир. Бизда мусобақа ҳам ўрганиш, ҳам ўргатиш принципига, илғорларнинг ибратли ишларини оммалаштиришга, қолоқларга кўмаклашиш, шу йўл билан умумий юксалишга эришишга асослангандир. Шунинг учун ҳам мусобақа халқ хўжалигимизнинг барча соҳасида қудратли қуролга, ижтимоий ҳаётимизда катта воқеага айланиб кетди. Шу билан бирга социалистик мусобақа меҳнаткашларнинг ўзаро ҳамкорлигини, мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашнинг ёрқин символи бўлиб қолди.

Ишлаб чиқаришда, шу жумладан пахтачиликда социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини вақти-вақти билан ўзаро текшириб бориш мусобақанинг роли ва мавқеини яна ҳам оширади, ишда юз бераётган камчилик ва нуқсонларни биргаликда, кўплашишиб бартараф қилиш учун қулай ва кенг йўл очиб беради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ғўза парваришининг бориши юзасидан ўзаро текшириш ўтказиш тўғрисида»ги қарори шу жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу қарорда ҳозирги кунда ғўза парваришидаги оғир аҳволни ҳисобга олиб, мусобақадош областларнинг бир-бирига яқиндан ёрдам бериши зарурлиги таъкидланади.

Мусобақадош областларнинг пахтакорлари июнь ойининг иккинчи ярмида бир-бирларига вакиллар юбориб, 1965 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текширишдан ўтказадилар. Мусобақадошлар ишни бошлаб юбордилар. Масалан, шу кунларда андижонликлар Фарғонада, фарғоналиклар Андижонда текшириш ўтказмоқдалар. Эрта-индин бошқа областларда ҳам ўзаро текширишларга киришилади. Ундан кейин республикалараро мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш юзасидан қардошлик ёрдами бошланади.

Ўзаро текшириш пахтакорларимиз ҳаётида катта воқеадир. Бунда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олган мажбуриятларини қандай бажараётганликларини, ишни ташкил этиш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, агротехника тадбирларини амалга ошириш, коммунизм моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби ҳозирги куннинг актуал масалаларида нималар қилдилар-у, нималарни қилишлари кераклигини мусобақадошларининг ёрдамида яна ҳам аниқроқ ва чуқурроқ билиб оладилар.

Бинобарин, ўзаро текшириш мусобақадошга ҳақиқий кўмаклашиш, коммунистик принципиаллик, юз-хотир қилмаслик руҳида ўтиши, ҳамма нарса рўй-рост кўрсатиб берилиши, камчилик ва нуқсонлар баралла очиб ташланиши керак. Текшириш вақтида юзаничиликка йўл қўйилса, ишга бир ёқлама қаралса, бундай текширишдан фойда кам бўлади. Текшириш комиссиялари асосий экин — пахтачилик билан шуғулланибгина қолмай, бошқа соҳаларни ҳам синчиклаб кўздан кечиришлари, хўжалик раҳбарларининг фаолиятини, ташкилий ишларнинг қўйилишига кўпроқ эътибор беришлари керак. Афсуски, ўзаро текширишнинг дастлабки даврида ана шу муҳим шартлар тўла-тўкис амалга оширилаётир, деб бўлмайди. Фарғона — Андижон областларининг вакиллари томонидан ўтказилаётган ўзаро текширишларда баъзи группалар фақат пахта даласинигина айланиб, камчиликларни қайд қилиш билан кифояланаётганликлари маълум бўлмоқда.

Социалистик мусобақанинг кучи томонларнинг бир-бирига яқиндан ёрдамида, ўзаро текширишларда намоён бўлади. Текширишдан мақсад билмаганини ўргатиш, эътибордан четда қолаётган, унутилган нарсаларни эсга солиш, хато ва камчиликларни бирма-бир кўрсатиб, уни ўз ўрнида бартараф этишга ёрдамлашишдан иборатдир. Шундай экан, ўзаро текширишлар қизғин иш жараёнига айланиши керак. Шовқин-сурон, дабдабабозлик камроқ, амалий ёрдам ва маслаҳат кўпроқ бўлиши лозим. Текширишни шундай ташкил этиш ва олиб бориш керакки, у ҳамма ерда ўз изини қолдирсин, мусобақадошларнинг фикр ва маслаҳатлари аниқ ва холис бўлсин, текшириш том маъноси билан катта мактаб бўлсин.

Текшириш натижалари область ва районларда муҳокама қилинади. Бунда колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, партия, совет, касаба союз ва комсомол активларининг кенг иштирокини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Бу йиғинларда аниқланган камчиликларнинг туб омилларни очиб ташланиши, хўжалик раҳбарлари, бригада бошлиқлари, агрономлар ёки ишлаб чиқаришда бевосита қатнашувчи бошқа кишиларгина эмас, район ташкилотларининг раҳбарлигига тааллуқли ишларга ҳам кўпроқ эътибор бериш лозим.

Иштихон районидаги Фрунзе номли колхоз ғўза парваришини яхши ташкил этган, суғоришни группа бўлиб ўтказишда фақат Самарқанд областида эмас, республикада намуна бўлаётган хўжаликдир. Шу райондаги Киров номли колхозда эса ғўза парвариши издан чиққан. Экин чанқаб ётибди, сув исроф қилинмоқда. Бу ерда ягана ҳалигача тамом бўлмаган. Далаларни ўт босиб кетган. Техникадан ёмон фойдаланилмоқда. Хўш, бунда фақат колхозчилр-у, унинг раҳбарларигина айблими? Йўқ, бунда район раҳбарларининг айби ҳам бор. Улар колхозга яқиндан ёрдам бермаётирлар, ташкилий ишларни уюштиришда йўл-йўриқ кўрсатмаётирлар. Ўзаро текшириш бригадалари бундай ҳолларда район раҳбарларининг фаолияти билан ҳам қизиқишлари, уларнинг иш услубидаги нўноқлик, хира томонларни очиб ташлашлари ниҳоятда зарур.

Социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, унинг самараси учун кураш, мусобақадошлар берган маслаҳатни тўла-тўкис амалга ошириш ундан ҳам муҳимроқдир. Текшириш даврида аниқланган камчиликларни бутун чоралар билан тузатиш учун бор кучимизни сафарбар этишимиз зарур. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ўзаро текшириш комиссиялари қолдирган таклифларни тезда амалга ошириш учун оммани сафарбар этсинлар.

Бир группа илғор пахтакорларнинг республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига ёзган мурожаати деҳқонларимизни беҳад руҳлантириб юборди. Мурожаатда баён этилган вазифалар, берилган маслаҳатлар қандай амалга оширилаётгани ўзаро текшириш вақтида қаттиқ ҳисобга олиниши зарур. Ҳамма ерда ўзаро текширишларни баланд руҳ, ишчанлик билан ўтказайлик. 3 миллион 650 минг тонналик катта «оқ олтин» хирмонини тўлдирадиган баракали ҳосил етиштириш учун мусобақа байроғини баланд кўтарайлик.

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда ғўзани культивация қилиш билан айни вақтда минерал ўғит ҳам бериб борилапти. Суратда: 2-бригаданинг Сотиволди Қошев бошлиқ звеносида қатор ораларини бир йўла минерал ўғит билан озиқлантириш пайти тасвирланган.

И. Глауберзон фотоси.

Бухоро область партия комитетининг пленуми

БУХОРО, 23 июнь. (ЎзТАГ). Бухоро область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми қарорлари муносабати билан қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари ҳақида область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоевнинг докладини тингладилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

СЎЗ — ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРГА

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҚЎЛИМИЗДА

Камчиликка йўл қўйдингми, тан олиш керак. Деҳқончиликни мард одамга чиқарган. Баҳона қидириш, айбни бировга тўнкаш, ўзини четга тортиш деҳқонга ярашмайди. Андижондан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг айтишича, баъзи колхозларнинг раислари, агроном ва бригадирлари камчилик учраганда ўзларини қуруққа тортишга ҳаракат қилишибди. Буни қаранг-а, биров ўз ишини ташлаб қўшнимнинг ҳолидан хабар олай, ўзининг кўзи тушмаган камчиликни кўрсатиб берай деб келса-ю, дўсти унинг маслаҳатига обдон қулоқ солиш, билмаганини ўрганиб олиш ўрнига, қаердаги баҳонани изласа. Биз бўлсак андижонликлар колхозимизга кела қолишса, ишимизга баҳо беришса, ютуқ ва камчилигимизни кўрсатишса деб кутган эдик. Хайрият бизни четлаб ўтиб кетишмади.

Улар эрта тонгдан туриб роса бир кун қош қорайгунча даламизни айланишди. Ўзимиз ҳар куни бир неча марта айланадиган майдонлардан камчиликлар топиб беришди. Масалан, Иброҳим Абдулазизов бригадасида бир картада ғўзанинг яганаси чалалигича қолиб кетган, Муҳаммад Орипов бригадасида эса далага гўнг эмас, балки нуқул хасхашак чиқарилаётган экан. Бизга бир бригадада 10 гектар ерни ўт босиб етганини кўрсатишди. Карталарнинг чети, ўқариқларнинг ёқасидаги ғўзалар яхши парвариш қилинмаган экан.

Агар биз бунақа камчилик бошқа колхозларда йўқми десак, кимнинг фойдаси-ю, кимнинг зарари бўларди. Ўзимизнинг албатта. Шунинг оқибатида ғўза ривождан қолади. Кам ҳосил тўплайди. Бу йил шароитнинг ўзи оғир келди. Кун иссиқ, сув кам. Яхши ишламаса кузда мажбуриятнинг уддасидан чиқиш амримаҳол бўлиб қолади. Биз андижонликлар билан ҳозирги кунда сувни қандай тараш, экинни қайси зайлда парвариш қилиш ҳақида маслаҳатлашиб олдик. Мусобақадошлар фойдали фикрлар айтишди. Бу айни кунларда бизга жуда қўл келадиган маслаҳатлардир. Чунки ҳозир ғўзаларнинг ривожи уч хил. 1000 гектар ердаги ғўза тиззага уриб, гул кўрсата бошлаган бўлса, 500 гектар ердаги экин ўртача ривожланган. Қолган 300-400 гектар ердаги ғўзанинг ривожи паст, ҳали ёш.

Яқинда бир группа илғор пахтакорларнинг республика қишлоқ меҳнаткашларига қарата ёзган мурожаатномасини ўқиб, муҳокама қилган пайтимизда ишимиздаги камчиликларни тугатиш чораларини белгилаб олгандик. Андижонлик мусобақадошлар маслаҳати асосида бу тадбирларни яна тўлдирдик. Қилишимиз лозим бўлган ишлар ўзимизга яна ҳам ойдинлашди.

Ҳозир авжи паст ғўзаларни қўшимча парвариш қиляпмиз. Ягананинг чаласи тугатилди. Айниқса 250 гектар майдондаги яхши ривожланмаган, экинни парвариш қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Чунки уни 26 майдаги Қўқон шамоли қаттиқ зарарлантириб кетган эди. 150 гектар ерга қайта чигит экканмиз, 100 гектар ерда эса оласига уруғ ташлаганмиз. Шу майдонлардаги ғўзалар ривожланиш жиҳатидан олди ғўзалардан 25 кун кейинда. Мақсадимиз — уни ҳам 20 августгача олди ғўзаларга етказиб олиш.

Бунинг учун гўнг билан аралаштирилган 70 тонна азотни ишлатамиз. «Шарбат»сиз сув қўйилмайди. Ҳар куни далага 75 тоннадан ортиқ гўнг чиқариляпти. Парвариш давомида ғўзага ҳаммаси бўлиб 7 минг тонна гўнг солиш мўлжалланади.

Ўлмасой Исоқова, Меҳмон Қурбонов, Мамазиё Солиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ҳар бирида 15-30 гектар майдондаги ғўза шамолдан қаттиқ зарарланган эди. Шу ерларга қайта чигит экилган. Шунга қарамай улар мажбуриятни камайтирсақ дейишаётгани йўқ. Ҳали ҳам гектаридан 26-30 центнердан пахта оламиз, чунки ҳосилнинг тақдири ўз қўлимизда дейишмоқда. Улар «Шарбат» оқизиб, қўшимча парвариш қилиб, бу ғўзаларни яхши ривожланган ғўзаларга етказиб олишмоқчи. Шунга яраша ишлашяпти. Андижонликлар ҳам уларнинг ишини яхши баҳолашди.

Илғор пахтакорларнинг мурожаатидан кейиноқ сувчиларни тўплаб йиғилиш ўтказган эдик. Шунда сувга муносабатни бутунлай яхшилаш, унинг қатрасини ҳам исроф қилмаслик учун нималар лозим бўлса, ҳаммасини қилиш ҳақида маслаҳатлашиб олдик. Сувчилар мўл ҳосил етиштиришга қандай ҳисса қўшганлигини ҳисобга олиб, йил охирида уларни мукофотлашга қарор қилдик. 140 сувчи иссиқ овқат, кийим-бош, тунги сувчилар эса чироқ, каравотлар билан таъминланади. Тажрибали сувчиларга олтинчи разряд билан ҳақ тўланяпти. Натижа кутилганидан аъло бўлмоқда. Сувнинг исроф бўлиши кескин камайди.

Сўх сойидан сув оладиган бригадаларимиз анча қийналиб қолган эди. Буни назарга олиб, бригадалараро навбати билан суғориш йўлга қўйилди. Оз сув билан ҳам анчагина майдондаги ғўзани қондириб суғормоқдамиз. Ҳозир Сўх сойидан келаётган сув бир оз кўпайди. Бундан фойдаланиб қолиш чорасини кўряпмиз. Сувчилар сонини кўпайтириб, сув талаб бўлган ғўзаларни суғориб оляпмиз. Иброҳим Эргашев, Собиржон Қорабоев, Аҳмадали Бўриев, Ойқўзи Ҳомидов сингари сувчиларимиз ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Улар жойи келганда ҳамкасбларига маслаҳат беришяпти. Биргина сувчилар эмас, балки механизаторлар ҳам, бошқа колхозчилар ҳам бир ёқадан бош чиқариб, ғўзани парвариш қилишяпти. Чунки улар ҳосил тақдири ўз қўлларида эканини яхши билишади.

Нурмамат ТУРАҚУЛОВ,
Бағдод районидаги «Победа» колхозининг раиси.

ИОСИП БРОЗ ТИТО ИРКУТСКГА УЧИБ КЕТДИ

СВЕРДЛОВСК, 23 июнь. (ТАСС). Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Бош секретари ўртоқ Иосип Броз Тито ва югославиялик бошқа меҳмонлар бугун эрталаб самолётда Свердловскдан Иркутскга учиб кетдилар.

ЭРОН ШОҲАНШОҲИ БИЛАН МАЛИКАСИ ВОЛГОГРАДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 23 июнь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифи билан СССРда меҳмон бўлиб турган Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва малика Фараҳ Паҳлавий бугун Москвадан Волгоградга жўнаб кетдилар. Ҳурматли меҳмонлар Свердловскга ҳам боришади.

МАШҒУЛОТ ДАЛАДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

ҚУРҒОНТЕПА, (ЎзТАГ). Қўрғонтепадаги «Победа» колхозининг фермасида зоотехник Урмон Рўзиев «Ўзбекистонда етиштирилаётган қорамоллар наслларининг биологик хусусиятлари ва сифатлари» деган темада лекция ўқиди. Урмон Рўзиев қишлоқ хўжалик билимлари халқ университетида чорвачилик факультетига раҳбарлик қилади. Унинг ҳамкасблари: дала мудири агроном М. Қобулов пахтачилик факультетига, инженер Р. Каримов механизация факультетига бошчилик қилмоқдалар. Университетнинг кўпгина машғулотлари бевосита фермаларда, пахта майдонларида ўтказилмоқда. Колхознинг 200 га яқин аъзоси университетнинг доимий тингловчиларидир. Янги ўқув йилида университет ҳузурида яна икки факультет — ипакчилик ва химия факультети очилади.

Суратда: Польша Халқ Республикасидан келган кенгаш қатнашчилари.
Б. Мазур ва А. Горокрик фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Л. И. БРЕЖНЕВ ВА А. Н. КОСИГИН М. БИН ЯҲЁНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Жазоир Халқ Демократик Республикаси кенгашининг топшириғи билан 21 июнда СССРга келган Жазоирнинг махсус вакили Муҳаммад Бин Яҳёни 22 июнда қабул қилдилар.

Бўлиб ўтган суҳбат вақтида ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалалар хусусида гаплашиб олинди. Суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ҳозир бўлди.

А. И. Микоян Конго Республикаси (Браззавиль) делегациясини қабул қилди

Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари, мухтор министр Исаакгомез бошчилигида Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Конго Республикаси (Браззавиль) делегациясини СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян 22 июнда Кремлда қабул қилди.

Учрашув вақтида дўстона суҳбат бўлди. Суҳбатда СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари Д. Д. Дегтярь ҳозир бўлди.

(ТАСС).

КУН ТАРТИБИДА — МАШИНАСОЗЛИК ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзолари бўлган мамлакатларнинг трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги мутахассислари навбатдаги, ўн биринчи учрашувни ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахтини танладилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши машинасозлик доимий комиссиясининг тармоқ секцияси мажлиси 22 июнда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг конференциялар залида очилди. Бу ерга Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Румыния Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси олимлари, инженерлари, экономистлари, корхоналарининг раҳбарлари тўпландилар.

Мажлисни СССР Госплани ҳузуридаги автотрактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги Давлат комитети раисининг ўринбосари Н. Н. Тарасов очди.

Тошкентга келган меҳмонларни Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев табриклади. У республика саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти ривожланишининг асосий йўллари тўғрисида қисқача гапириб берди.

1 июлгача давом этадиган кенгашнинг кун тартибида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзолари бўлган мамлакатларнинг трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва бир-бирларига машиналар етказиб бериш соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини координациялаш масалалари бор. Меҳмонлар Тошкентдаги бир қанча корхоналарнинг иши билан танишадилар. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети 1966 йилги Ленин мукофотларини олишга тақдим этилган асарларни қабул қила бошлади.

1966 йилги Ленин мукофотларини олишга кечи билан 1965 йил 15 июнгача босилиб чиққан, кўпчиликка кўрсатилган ёки ижро этилган адабиёт, санъат, журналистика ва публицистика асарлари тақдим этилиши мумкин.

Ижодий союзлар ва республикалардаги театр жамиятларининг раҳбар органлари, ВЦСПС президиуми, СССР ва Иттифоқдош республикалар министрликлари ва давлат комитетларининг коллегиялари, СССР фанлар академияси, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, газета ва журналлар редколлегиялари ўзларининг кенгайтирилган мажлисларида, шунингдек меҳнаткашларнинг йиғилишлари Ленин мукофоти олишга тақдим этиладиган асарларни кўрсатадилар. Асарлар 1965 йил 30 ноябргача қабул қилинади.

Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги таклифлар, тақдим этилган асарлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, шунингдек ҳужжатларни расмийлаштиришга доир барча масалалар хусусидаги саволлар қуйидаги адресга юборилсин: Москва, И-51, Неглинная кўчаси 15, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети.



Самарқанд суперфосфат заводи коллективи азамат деҳқонларимизга мўл-кўл минерал ўғит етказиб бериш учун курашмоқда. Суратда: ана шу корхонанинг илғор аппаратчиларидан бири Насриддин Неъматов. У «КС-100» ускунасида унумли ишлаб, планга қўшимча сульфат кислотаси ишлаб чиқармоқда.

В. Сироткин фотоси.

ТУҲФА

БУХОРО. (ЎзТАГ). Тасқазган графит кони ишчилари Ленинграддаги «Русский дизель» ва Нижний тагилдаги металлургия комбинати номига етмиш минг тонна графит жўнатиш билан ярим йиллик программани муддатидан илгари адо этдилар.

ЭСКИЛИК САРҚИТЛАРИГА ЎТ ОЧАЙЛИК!

ҚИЗ — АЗИЗ ФАРЗАНД-КУ!

Аёл кишига она бўлишдан ҳам юксак қувонч борми!

Муаззам ҳам катта умидлар оғушида Неъматжон билан бир ёстиққа бош қўйиган, нури дийдаларининг ширин келажаги ҳақидаги ойдин фикрларга тўлган озод, бахтиёр, азиз ва мўътабар оналаримиздан бири эди. Ахир, ота-онанинг умиди, орзулари, олижаноб тилаклари қиздир, ўғилдир, фарзанд ва унинг бахт-саодати эмасми!

Миллион-миллион совет оналари қатори эркаклар билан тенг ҳуқуқда, ишда, оилада юксак эъзозга, партия ва ҳукуматимизнинг ҳурмат ҳам тақдирига муяссар бўлган Муаззам тўнғичи Моҳира ёруғ дунёга келган қуёшли кунларни эслаб, ҳаяжон билан такрорларди.

— Туғруқхонада ётибман-у завқим тошади, тоғлардан-тоғларга ўтиб, сойлар шовқинини босиб «Мен ҳам онаман!» деб қувончимни янгратгим келади.

У шундай дерди-ю тўсатдан чеҳрасини булут қоплаб, кўзларига милт-милт ёш келарди, юзларини яшириб, хилватга шошиларди. Нега? Ёш она қалбига соя солган, табассум ўғриси ким?

Бу кам учрайдиган воқеа, шунинг учун аввал, совет кишилари маданияти ва юксак онглилиги рамзи бўлган бир оила ҳаётига назар ташлайлик.

* * *

Ёшлари анчага бориб қолган Наби ака Отамуҳамедовни ишхонасида ҳам, турар жойида ҳам каттадан-кичик ҳурмат қилади. У ўзининг намунали иши, кишиларга бўлган ширин муомаласи, оқил маслаҳатлари билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Пенсия олишига қарамай ижтимоий фойдали меҳнат қилаётган Наби ака ҳозир Октябрь район коммунал хўжалик бўлимида ишлаб, истиқбол режаларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Еганим олдимда, емаганим орқамда,— дейди Наби ака.— Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Беш қизим бор — бахтим бор. Катталари ёнимга кириб қолди. Муслима болалар боғчасида мураббия бўлиб ишлаяпти. Ундан кичиги Муқаддас Ленин номидаги тикувчилик фабрикасида кийим тикади. Иккаласини ҳам ўқитганман. Куёвларим ўғилдай меҳрибон. Кунда, кун ора ҳол-аҳволимни сўраб, келиб туришади. Уйдаги қизларимдан Инобат Муқаддаснинг изидан бормоқда. Шарофат билан Ўғилой ўрта мактабда ўқишяпти. Меҳрибонларимнинг ўрнида ўғил бўлганда ҳам, шундай ё ўқир, ё ишлар эди-да! Тўғрими ойиси!

Сочлари қордек оппоқ нуроний Ҳожиниса опа гапга аралашди.

— Тўғри, дадаси, тўғри! Қиздир, ўғилдир бўлсин экан. Айниқса, ҳозирги, эркакка очиқ йўлдан хотин кишининг ҳам бемалол бориши мумкин бўлган замонда, қиздан нолишнинг сира ўрни йўқ.

Она бизга ўгирилиб тасдиқлади.

— Шунча қиз кўриб, мен мулла акангиздан бир оғиз таъна эшитган эмасман. Қиз ҳам, ўғил ҳам катта бўлса ота-онага, эл-юртга бирдай фойдаси тегаверади...

Наби ака ва Ҳожиниса опа сингари фарзандлари қиз бўлган — 8 қизни тарбиялаб, роҳатини кўраётган Тошкент хўжалик буюмлари заводининг электромонтери Т. Йўлдошев, «Буревестник» пионерлар лагерининг ишчиси А. Мўминов, Калинин район омонат кассасининг ходими Ҳ. Мавлонов сингари тўқ-бадавлат, хурсандчилик билан ҳаёт кечираётган оилалар оз эмас.

* * *

Лекин улар орасида Неъмат каби эскилик сарқити юрагини ўргимчакдек ўраб ташлаган шахслар ҳам учрайди. Улар Муаззамларнинг кўзидан ёшини аритмай, юзидан кулгисини қувиб, совет оиласи шаънига доғ туширмоқдалар.

Муаззамнинг ой-куни етиб, туғруқхонага жойлаштирилди...

— Сингилим,— деди ҳамшира меҳрибонлик билан.— Сизга хат.

У хат эмас, бир парча аллағланган чўғ, қатра заҳар олиб келгандай бўлди онанинг наздида.

Муаззам орзиқиб кутган, қувончига шерик деб ўйлаган кишиси — умр йўлдоши Неъмат хотинининг қиз туққанини эшитиб табриклаш ўрнига лаънатлапти, соғлиқ ўрнига ўлим тилабди.

— Нега?! — кўзлари жиққа ёшга тўлган она беихтиёр бақириб юборганини сезмай қолди. Ахир, хотин кишининг бир ўлимидан қутулган ёрига шуми муомала, шуми оқибат! Унинг лаблари пичирлади: — Қиз, фарзанд эмасми!..

— Фарзанд эмас!— деди Неъмат ўшқириб такрор, ойлар ўтиб, жажжи бўлиб қолган қизи Моҳиранинг ўзи томон узатилган дўмбоқ қўлчаларини муаллақ қолдириб, — кўрсатма, менга!

— Дадажон мен ҳам ўғил ўрнини босиб қоларман, дегин қизим! Битта кўтара қолинг, дадаси...

— Обор, обор!

— Мен сизга нима қилдим, дадажон, дегин.— Муаззам гўдакни Неъматнинг қўлига узатганини билади, у болани юлиб олиб ўрага улоқтириб юборди! Гўдак биғиллаб қотиб қолди, она инграб юборди. Югурганча бориб бағрига босди.

— Одам ҳам, шунчалик бераҳм бўладими? Бўлди, бўлди, ўзим ўргилай, йиғлама...— Она бошқа гап айтолмади, нимадир унинг томоғига тиқилгандай бўлди. Кўзларидан тирқираб ёш оқди. Қизнинг оёғи синган эди.

Муаззам, баъзи эркаклар шундай ўғилни яхши кўради, вақти билан ҳовуридан тушиб қолади, деб ўзига сабр бериб, эрининг тахирини кўчага чиқармади. Аммо тошбағир отанинг мудҳиш қилмиши қизининг ланг оёғида бир умр сақланиб қолди. Қиз улғайиб катта бўлар, тузук ишларини ихтиёр этар, аммо отасининг бу шафқатсизлигини асло унутмас.

Неъмат гўдакнинг йиғлашларига, онанинг илиқ нафасини соғиниб ичикишларига парво қилмади. Қиз туққани учун «айбдор» бўлган Муаззамни уриб, қизи билан ота-онасиникига ҳайдади. Аммо кўп ўтмай кўзидан нарида жиноятларининг очилиб қолишидан чўчиб, урмайман, ҳақорат қилмайман, янглишибман деб, Муаззамни яна қайтариб олиб келди. Афсуски, кўп ўтмай йигит сўзидан қайтди. 1959 йили Муаззам иккинчи қизини кўргач, қолоқ фикрли, сўнгги нусханинг ўринсиз таъналари яна ёғила бошлади.

— Яна қиз туғдинг-га!

Энди Муаззам чидаёлмади.

— Неъматжон ака! Узоқ-яқинлар билан кўришганда, нечта уйингиз, қанча мулкингиз бор деб сўрамайди, тўғрими. Бола-чақалар соғ-саломатми, дейишади. Шунда, тилингизни бурро қиладиган фарзандларингиз— қизларингиз бор, туғанмас бойлигингиз бор...

— Менга бундай бойликнинг кераги йўқ!..

Касални яширсанг иситмаси ошкора қилади, дегандек Неъматнинг ўринсиз таъналари, рафиқасини хўрлашлари эл-юртга ошкор бўлди. Лекин хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлган ўтмишдаги шахсларнинг қилиғини қилаётган, адашаётган йигитнинг танобини қаттиқроқ тортиб қўйиш на қўни-қўшниларининг, на қариндош-уруғларининг хаёлига келди. Улар «эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши», қабилида иш тутдилар.

Бундан фойдаланган Неъмат, тўнини бутунлай тескари кийиб олди. Илгариги ҳақоратлар, уришлар ҳолва бўлиб қолди. Муаззам такрор онаотасиникига ҳайдалди. Яна ҳеч ким Неъматга, нега бундай қилдинг, демади.

Болаларни боқиш керак эди. Муаззам Тошкентдаги тўқимачилик-трикотаж фабрикасига кириб ишлай бошлади. Суд орқали Неъматдан нафақа оладиган бўлди.

Буни кўрган, эшитган фабрика маъмурияти ҳам Неъматнинг қилмишига яраша жавоб бериши лозимлигини хаёлига келтирмади. Инсон ҳуқуқини топтаган, бу билан совет қонунларини бузишга журъат этган, қизларини тирик етим этган Неъмат шунча қилғуликни қилиб қўйиб, бежабр юраверди. Устига-уст бир куни Тошкентга келиб, Киров район Лугина проезди 21-уйда—ота-онасиникида турган Муаззамнинг розилигисиз, уриш-тўполон билан катта қизини олиб кетиб, қариндошлариникига элтиб қўйди. Она фарзандининг аллакимларнинг қўлида бўлишини истамади. Ҳуқуқлари поймол этилиб ҳайдалганини кўрсатиб, қизини ўз тарбиясига олиб беришни сўраб Неъмат яшаган Гулистон районидаги халқ судига ариза берди.

Судга ёзган аризасида шундай сўзлар бор эди: «Доим уриб, ҳақорат қилавергач ота-онамникида жон сақлаб юрибман. Жавобгар эрим Н. Олломуротов ҳеч нарсадан қайтмайди, шунинг учун қўрқаман, суд мажлисига боролмайман». Гулистон район халқ суди бунчалик зулмкорга қандай чора кўрди, аёлнинг нега шунчалар юрак олдириб қўйганлигини текширдими? Афсуски, йўқ! Ишнинг тубини кўрмади. Неъматнинг гуноҳлари очилмай қолаверди. Бундан рағбатланган Неъмат энди «тилинг чиқиб қолдими» деб ўч олиш томонига ўтди. Бунинг учун Муаззамни олиб келиш лозим эди. 1963 йилда у Муаззам яшаган маҳалла активлари олдида ёлғондан уни хўрламасликка сўз бериб, ёнига қайтарди. Пок қалбли Муаззам, активлар Неъматнинг гапига ишонган эдилар.

Муаззам уйига келгач у асл мақсадига кўчди, лабзидан қайтди. Уйга бемаврид, бемаҳал келишлар, болаларини безовта қилишлар, уришлар, ҳақоратлар бошланди.

— Қиз фарзанд эмиш! Хи-хи-хи... — ҳар гапида бир узиб оларди Неъмат.

«Одамлар. Ҳатто суд билди, буларни. Нима бўлди? Ҳеч нарса! Энди инсоф ўзига берсин» деб индамасликка муқим қилди Муаззам. Кўкламни — янги кўрадиган фарзандини кута бошлади. У «ўғил бўлса ажаб эмас!» деб аламини кўз ёшидан оладиган бўлди. Тўсатдан 1963 йилнинг декабрь ойида Муаззам уч-тўрт кун кўринмай, товуши ҳам чиқмай қолди. Қизи Моҳира мактабга бормай қўйди. Ўқувчисидан хабар олгани келган муаллима С. Ҳусаинова Неъмат томонидан роса калтакланиб, ўрнидан туролмай қолган Муаззамни кўрди.

— Ўтиниб сўрайман, опа, ҳеч кимга айтманг,— деди Муаззам, эрим баттар бўлади, ўлдириб қўяди! Соғайиб кетаман. Ҳадемай ўғил кўрсак ўзи ҳам жаҳлидан тушиб қолади...

— Қиз туғсангиз нима қилипти. У ўтмиш замонда эди: хотин киши одам ҳисобланмасди, ота-онанинг шўри дейиларди. Ҳозир аёллар эркаклар билан баробар-ку!.. Бахтиёр қизли оилалар озмунчами!

— Тўғри, опажон, гапларингизнинг ҳаммаси тўғри,— тасдиқлади Муаззам кўзларидан ёш оқиб.— Шуни тушунмасалар, нима қилай!

Лекин коммунистнинг виждони индамай кетишга йўл қўймади. У Неъмат ишлайдиган Гулистон шаҳрига қарашли 30-автобазага борди. Неъмат директор томонидан огоҳлантирилди. Ҳа, огоҳлантирилди, холос. Бу ерда ҳам унинг жиноий иш зиннасида тургани чуқур текширилмади. Ахир, илгари огоҳлантирилганлиги каммиди! Қаттиқроқ туриш лозиммасмиди!

Шунинг учун ҳам у уришини, ҳақоратини қўймади. Оқибат ўринсиз таъна, ўтмишнинг жирканч сарқити Муаззамнинг, эрта-индин дунёга келадиган мурғак чақалоғнинг бошига етди.

Неъмат Олломуротов қонун олдида жавоб берди.

* * *

Бу ерда гап бизнингча биргина Муаззамнинг фожиаси устида бориши керак эмас. Гап юксак онгли, маданиятли совет кишилари орасида Неъмат каби эскилик сарқитига ботган шахслар устида, ҳаётимизда ўтмишнинг ярамас, жирканч қолдиқларининг токайгача учраб туриши ҳақида! Ахир, бундай ярамас ҳодисанинг аҳён-аҳёнда бўлса ҳам учраши айрим маҳаллий партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, қўни-қўшниларнинг, маҳалла комитетларининг, корхона ва муассаса раҳбар ходимларининг сиёсий-тарбиявий, оммавий-маданий ишларини етарли йўлга қўймаганликларини, эскилик сарқитларига қарши муросасиз кураш олиб бормаётганликларини, кўрсатмайдими. Агар жамоат ташкилотлари, партия ва ижроия комитетлар ҳаётимизда учраб турадиган бундай ярамас ҳолларга қарши курашни эътибор ва сезгирлик билан олиб борсалар, ёмон яранинг уч бериши билан куйдирсалар муаззамлар фожиаси юз бермайди, ҳар қандай жиноятчининг ёвуз нияти олди олинади.

Фикримизча, жамиятимизга, мусаффо ҳаётимизга доғ туширадиган ҳар қандай эскилик сарқитларига, ярамас шахсларга нисбатан курашни яна ҳам кескинроқ, яна ҳам уюшқоқлик билан олиб бориш керак. Бунда корхона ва муассасаларнинг партия ва касаба союз ташкилотлари, суд-прокуратура органлари билан бир қаторда кенг жамоатчиликнинг ҳам ҳиссаси катта бўлсин.

Расул РАҲМОНОВ.

ЕНГИЛ САНОАТ ЭКОНОМИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

СОН ВА СИФАТ

Бошқармамизга қарашли саноат корхоналарининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ялпи маҳсулот тайёрлаш бўйича беш ойлик планни муваффақиятли адо этдилар.

Корхоналарни йириклаштириш ва ихтисослаштириш шарофати билан, шунингдек янги техника жорий этилиши туфайли харидоргир моллар тайёрлаш кўпайди. Завод ва фабрикаларнинг коллективлари маҳсулот сифатини кўтариш, таннархини арзонлаштириш борасида бирмунча иш қилдилар.

Аъло сифат учун кураш ҳар бир ишчининг, ҳар бир инженер-техник ходимнинг кундалик жонажон иши бўлиб қолмоғи учун курашмоқдамиз. Сифат учун каттадан кичик ҳамма — корхона раҳбаридан тортиб — цех ва участка бошлиғигача, ишчидан тортиб техника контроли бўлими ходимигача бирдек жавобгар.

Корхоналарда «сифат куни» ўтказиш расм бўлиб қолди. «Сифат куни»га савдо ташкилотларининг ходимлари, Халқ хўжалиги кенгаши ва Савдо министрлиги инспекцияси вакиллари ҳам таклиф этилади. Бу йиғинга сифатсиз хом ашё юбораётган корхонадан вакил чақирилгани яна яхши. У аччиқ-чучук гап эшитиб, изза бўлади. Бўлган гапни ўзи ишлаётган корхонага етказади. Бу корхона раҳбарлари сўнгра ўйлашиб иш тутадиган бўлиб қолмоқдалар.

«Сифат куни»да бошқарма ҳамда Марказий конструкторлик-технология бюроси ходимлари корхоналарда бўлиб технологик жараёнларнинг тўғрилигини, маҳсулот сифатини текширадилар. Мутахассислар кўрсатган камчиликларни йўқотиш тадбирлари бамаслаҳат белгилаб олинади. Тошкентдаги учинчи, Самарқанддаги «8 Март» ҳамда «Юлдуз» тикув фабрикалари ва фирмасида маҳсулот сифати кўнгилдагидек эмас эди. Чирчиқ, Янгийўл ва Бухоро пойафзалчиларидан ҳам харидор миннатдор эмасди. Бу корхоналарга тегишли ёрдам кўрсатилди. Энди ана шу корхоналар меҳнат аҳли совет кишисининг диди ва талабига яраша маҳсулот тайёрлаш учун астойдил курашмоқдалар.

Ҳамма корхоналарда бекамукўст маҳсулот тайёрлаш бўйича саратовликлар усули билан ишлашга ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда. «Фарғона» ва «Қизил тонг» фирмалари, Тошкентдаги 1- ва 2-пойафзал фабрикалари шу прогрессив усул билан ишламоқдалар. Бу усулнинг иқтисодий самаралари аён кўриниб турибди.

Енгил саноат корхоналарининг ходимлари мамлакат миқёсида кўз-кўз қилса арзийдиган маҳсулот тайёрлашга интилмоқдалар. Лекин бу хусусда корхоналар таъминотига тааллуқли бир қанча чигал масалаларни ечиш керак. Хусусан, республика пойафзал саноати корхоналари енгил хром кўн товарлари етишмаётганлиги туфайли моделли ва кишилик эркак ва аёллар пойафзалини кам тикмоқдалар. Аҳолининг моделли пойафзалга талабини дурустроқ қондириш учун республикага йилига 10 миллион квадрат дециметр хром кўн товар келтириш лозим. Шунингдек, Ўзбекистонда тайёрланаётган ярим чарм заготовкаларнинг ҳаммаси бошқармамизга қарашли пойафзал фабрикаларига берилгани маъқул.

Корхоналаримиз коллективлари маҳсулот таннархини арзонлаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. **Маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига йил бошидан бери 15 минг сўмдан ортиқ маблағ тежалди. Бошқармага қарашли барча корхоналар фойда кўриб ишламоқда.** Завод ва фабрикаларимизда Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикаси коллективининг кўн товарлар ва бошқа асосий материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, цехларда хўжалик ҳисобини жорий этиш ҳамда ҳисоб-китобнинг оператив-бухгалтерлик усулини жорий этиш юзасидан бошлаган ташаббуси ёйилмоқда. Ҳозир бешта пойафзал фабрикасида кўн товарлари сарфи кунига ҳисобга олиб борилмоқда. Бу эса хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва демак маҳсулот таннархини арзонлаштиришда омил бўлмоқда.

Жамғарма тўплаш планини бажариш — ҳар бир корхона учун ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки олинаётган фойда экономикани янада ривожлантиришга, халқ фаровонлигини кўтаришга хизмат қилади.

Дастлабки маълумотларга қараганда, бошқарма бўйича беш ой ичида планга қўшимча равишда 186 минг сўм фойда кўрилган. Аммо ҳали ҳам жамғарма тўплаш планини бажармаётган саккиз корхона бор. Булар жумласига Андижон ва Қарши тикув фабрикалари, Бухоро қоракўл заводи, пластмасса буюмлари фабрикаси ва бошқа бир қанча корхоналар киради. «Юлдуз» фирмаси эса 400 минг сўмлик моли касод бўлиб тургани учун ҳам жамғарма тўплаш планини бажара олмади.

Ҳар бир корхонанинг, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир буюмнинг рентабель бўлишига эришиш хўжалик юритишнинг бош масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозир бошқармамиз қарамоғидаги битта корхона — Тошкент моделлар уйи зиён кўриб ишламоқда. Умуман корхоналаримизда 178 буюм зарар кўриб тайёрланмоқда. Бу йилига 3231 минг сўм маблағ шу йўлда сарф бўлади деган гапдир. Эндиликда Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг ташаббусига қўшилиб, тайёрланаётган ҳар бир буюмнинг рентабель бўлишини кўзлаб, конкрет тадбирлар белгиламоқдамиз.

Бошқармамиз корхоналарида ишлаб чиқариш процессларини **механизациялаш, автоматлаштириш ва илғор технологияни жорий этиш бўйича 1964 йилнинг ўзидаёқ 41 тадбир амалга оширилди. Натижада йилига 665 минг сўм фойда кўриладиган бўлиб қолди.** Янги техникани жорий этиш учун сарфланган харажатлар бир йил уч ойда қопланади.

Янги техникани жорий этиш бўйича биринчи кварталда ҳам кўзга кўринарли иш қилинди. Битта автоматик линия ўрнатилди. Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш бўйича 4 та тадбир амалга оширилди. Ўттиз ишчини бошқа участкаларга ўтказиш имконияти туғилди. Янги техника шарофати билан йилига қарийб 71 минг сўм фойда кўрилади.

Маълумки, «Красная Заря» тикув фирмаси ва Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикаси савдо ташкилотлари билан бевосита шартнома асосида ишлашга кўчмоқда. Шу муносабат билан бир қанча иқтисодий ва техникавий масалаларни ҳал этиш талаб қилинади. Жумладан, **йиллик иш ҳақи 470 минг сўм бўладиган 418 ишчи ва инженер-техник ходимни янгитдан ишга қабул қилиш керак. Шунингдек, товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча маблағ зарур. Ўйлаймизки, Халқ хўжалиги кенгаши бу масалаларни тез орада ҳал этади.**

Саноат корхонасининг ишига фақат ялпи маҳсулот тайёрлаш планининг бажарилишига қараб эмас, бўлак техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб ҳам баҳо берилиши тамомила аёндир. Енгил саноат корхоналари харидор, халқ талабига яраша ишлашлари, элимизга манзур бўладиган буюмлар чиқаришлари лозим.

Биз ҳам шунинг ҳаракатидамиз.

К. МАҚСУДОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши енгил саноат бошқармасининг бош инженери.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Яқинда «Тошкент» нашриёти рус тилида **«Уруш йиллари лирикаси»** шеърлар тўпламини нашр этди. Китобга киритилган шеърлар оташин руҳда ёзилган бўлиб, совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борган мардонавор кураши, фронт орқасидаги улуғвор меҳнат таронаси, душманга нисбатан қаҳр-ғазаб туйғулари ифодаланган. Тўпламга киритилган шеърларнинг яратилганига анча вақт бўлган бўлишига қарамай, улар ҳозир ҳам кишиларга катта маънавий озиқ бахш этади, қаҳрамонликларга ундайди.

С. Т. Бадаловнинг «Олмалиқ руда районининг минералогия ва геохимияси» номли китобини «Билим» нашриёти босмадан чиқарди. Бу асарда Олмалиқ районидаги руда конлари минерал-геохимиясининг илмий текшириш натижалари баён қилинган. Асарнинг қиммати шундаки, унда руда қидиришнинг турли масалаларига оид назарий хулосалар баён қилинган. Рус тилидаги бу китоб минеролог, геохимик, геологларга мўлжаллаб чиқарилган.

Шу нашриёт чиқарган китоблардан бири **«Улуғбек даври тарихидан»** деб аталади. Китобда улуғ ўзбек олими — астроном ва математик Улуғбекнинг жаҳон фани тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳикоя қилинади ва XV асрда Мовароуннаҳрдаги социал-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётга характеристика берилади. Улуғбекнинг кўп қиррали илмий фаолияти билан бир қаторда унинг давлат арбоби сифатидаги роли ҳам кўрсатилган. Китоб тарихчи шарқшунослар, филологлар, санъатшунослар, шунингдек, Ўрта Осиёнинг илм ва маданияти тарихига қизиқувчи ҳар бир китобхон учун бой материал беради.

Рус тилида чиқарилган **Н. Зокировнинг «Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши ва жойлашиши»** номли китобда республика саноатининг тараққиёти ва жойлашиши масалалари кенг шарҳлаб берилган. Шуниси характерлики, планлаштириш ва лойиҳалаштириш практикасидаги баъзи бир камчиликлар тўғрисида гап боради ва уларни тузатиш юзасидан мулоҳазалар айтилади. Монографияда саноатни рационал жойлаштириш юзасидан баъзи принципиал масалалар ўртага қўйилади. Китоб иқтисодчилар, планлаштирувчи, лойиҳа ва хўжалик ташкилотлари ходимлари учун яхши қўлланма ҳисобланади.

ЯНА ИККИ ФАН ДОКТОРИ

Яқинда Москвада КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтида Т. Жўраев «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон Коммунистик партияси» темасида докторлик диссертациясини ёқлади. Марксизм-ленинизм институтининг илмий советининг аъзолари диссертантнинг илмий ишини юксак баҳолаб, унга тарих фанлари доктори деган илмий даражани беришга қарор қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий советида М. Ҳакимов юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Илмий совет диссертантнинг Ўзбекистонда социализмга ўтиш даврида совет миллий давлатчилиги ривожланишининг асосий проблемалари устида олиб борган илмий ишига юқори баҳо берди ва унга юридик фанлар доктори деган илмий даражани беришга қарор қилди.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК НИШОНАСИ

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Сурхондарё областининг колхоз ва совхозлари етти йилликнинг сўнгги босқичида 14 минг 100 тонна сабзавот етиштириш, бундан 8500 тоннасини давлатга сотиш мажбуриятини олганлар. Сабзавотчилар астойдил меҳнат қилиб, мўлжалдагидан ҳам кўп ҳосил етиштирмоқдалар.

Деновлик ва сарносиёлик сабзавотчилар ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга сабзавот сотиш йиллик планини ошириб адо этдилар. Денов районининг хўжаликлари эртаги карам, бодринг, пиёз ва бошқа маҳсулотлар ҳисобидан давлатга пландаги 1800 ўрнига қарийб 2000 тонна сабзавот сотдилар. Бундан 1700 тоннадан кўпроғи Россия федерациясининг саноат марказларига жўнатилди. Денов карами ва бодринги Москва, Ленинград, Новосибирск магазинларида пайдо бўлди. Райондаги Ульянов номли ва «Москва» колхозлари сабзавот сотиш йиллик планларини бир ярим баравар ошириб адо этдилар.

Деновликлар кетидан сарносиёликлар ҳам рапорт бердилар. Улар пландаги 1300 ўрнига 1600 тонна сабзавот сотдилар ва ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам адо этдилар. «Коммунизм» ва «Янги рўзғор» колхозлари сабзавот сотиш планини икки баравар ошириб бажардилар.

Умуман, область бўйича давлатга сабзавот сотиш планининг тенг ярми ҳозиргача бажарилди ёки давлатга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўп сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Область колхоз ва совхозларида сабзавот сотиш қизғин давом этмоқда.

РЕЗЕРВЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ

ФАРҒОНА, (ЎзТАГ). Қўқондаги суперфосфат заводида янгиликни жорий қилиш туфайли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бир ойда тўрт минг тонна кўпайди. Хом ашё қуритиш барабанларидан ўтказилаётган вақтда бу ерда суперфосфат қатлами тўпланиб қолар эди. Бу ҳол ускуналарнинг унумдорлигини камайтирар эди. Заводда суперфосфатнинг тўпланиб қолган бундай куйиндилари ҳар ойда икки марта пневматик болғалар ва чўкич билан олиб ташланар эди. Завод директори В. Д. Базилевнинг таклифи билан қуритиш барабанлари иссиқ сув билан тозалана бошланди. Бу ҳол барабанларнинг бекор туришини қисқартирди, аппаратчилар меҳнатини енгиллаштирди.

ЗАРДЎЗЛАР

Чех қизи 7-магазинга кириб, анча туриб қолди.

— Нимани ёқтириб қолдинг? — сўради таржимон.

Меҳмон қиз кўзларни қамаштирувчи зардўппи сотиб олди. Магазинда бундай мол камёб бўлганидан чеварлар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва уларга бир нечта зар дўппи буюртиш ниятини билдирди. Шу баҳона билан зардўзлик фабрикасига йўлимиз тушди. Улкан корхона даргоҳида ўрта бўй, кулча юзли аёл билан сўрашаётганимизда, ҳамроҳимиз:

— Бу киши фабрика партия ташкилотининг секретари Ўғилой Қобилова, — деди. Ўғилой опа мақсадимизни тушунгач, бизни цехлардан бирига бошлади.

— Мана, сиз қидирган зардўзлик цехи,— деди секретарь.

Маълум бўлишича, бу ердаги 100 га яқин хотин-қизнинг ҳаммасига коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ном берилган экан. Зардўзлик цехининг бошлиғи Мўмина Маърупова чеварларнинг барига бош-қош. У билганини бошқаларга ўргатади, билмаганини билганлардан ўрганади. Суҳбат орасида Мўмина опага: «Илғор қизларингиздан уч-тўрт нишининг исм ва фамилиясини айтиб берсангиз?» деган эдик. У, чеварларимизнинг ҳаммаси илғор, бирини иккинчисидан ажратиб айтолмайман, деди.

Заршунослар ишини кузата бошладик. Қўли гул чеварларнинг ҳаммаси ижод билан банд. Уларнинг бирига яқинлашдик.

— Гулчеҳра Ҳайдарова, — таништирди цех бошлиғи Мўмина опа Маърупова.

Камтарин, иш билармон юзлаб чеварларнинг бири Гулчеҳра 1962 йил ўрта мактабни битириб фабрикага келган. У дастлабки кунларданоқ ўз касбига зўр меҳр қўйди. Ўтган қисқа давр ичида Гулчеҳра зардўппи тикишнинг нозик сирларини билиб олди. Эндиликда Гулчеҳра ва унинг дугоналари тиккан дўппилар келинчаклар ҳуснига-ҳусн қўшяпти. Юксак дидли хотин-қизларимизга манзур бўлмоқда.

Корхона коллективи Москва ва ленинградлик ҳамкасблари ташаббусига биринчилар қатори қўшилиб, маҳсулотнинг аъло сифати учун астойдил курашяптилар. Шу неча-кундузда зардўзлар: «Маҳсулот сифати — корхонамиз кўрки» деган жанговар шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар яратган сўзана, дарпарда ҳамда зардўппиларнинг шуҳрати фақат ўзбек элига эмас, бутун Иттифоқимизга тарқалган. Москва, Ленинград, Киев, Одесса ва бошқа ўнлаб шаҳарлардан фабрика адресига келаётган буюртмалар фикримизнинг далилидир.

Фабрикада ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиняпти. Моҳир ихтирочи, Бухоро область Советининг депутати Нурмат Султонов коллектив ўртасида ижодкор — устоз сифатида танилган. У бу жойда қарийб чорак асрдан буён ишлайди. Ихтирочи Нурмат Султонов таклифларидан ўтган йиллар ичида давлат 20 минг сўмдан ортиқ фойда кўрди. Ўртоқ Султоновнинг фақат кейинги беш ой ичида 7 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган. Чунончи, у таклиф этган «Башорат», «Дастагул», «Лола», «Етти гул» деб аталган зардўппи нусхалари кўплаб ишлаб чиқариляпти.

Игна билан зар битиш фабрика чеварларидан зўр маҳорат талаб этади. Ўз касбига меҳр қўйган зардўзлар ярим йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан олдин 102 процент қилиб адо этдилар.

Зардўзлик фабрикасининг аҳил коллективи ўртасида илғорлар тажрибаси кенг оммалаштирилиб борилади. Абдураҳмон Толипов, Карима Ҳожиева каби ширин сўз агитаторлар билан гаплашсангиз, корхона бунёд этилгандан ҳозиргача қанча янгиликлар юз берди-ю, яна 10 йилдан кейин фабрика қай даражада юксак ишлаб чиқариш маданиятига эришажагини осонгина билиб оласиз.

Масалан, Ғулом ота Муҳамедов 40 йилдан буён картондан гул қирқиш билан шуғулланади. У ҳозир пенсияда бўлса ҳам, тез-тез фабрикада бўлади. Ёшларнинг ишига кўз-қулоқ бўлиб туради. Таклиф ва мулоҳазаларини фабрика маъмурияти билан ўртоқлашади. Яқинда у рассом Маҳсума Аҳмедовани ёнига олиб, бир неча янги дўппи тағ-нусхаларини кўриб чиқиб, ишлаб чиқаришга жорий этишни тавсия этди. Корхонада Камол Неъматов, Шамсия Ғаниева, Шарофат Йўлдошева каби ўнлаб хассос зардўзлар борки, улар бунёд этган маҳсулотлар фабрика маркасини Иттифоқимиздан ташқарига ҳам танитди. Ҳозир Бухоро зардўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Покистон каби жаҳоннинг 41 мамлакатида учратиш мумкин.

Ҳ. ИКРОМОВ.
Т. НАЗИРОВ.

«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон коммунисти»нинг 6- сони босмадан чиқди. Журнал «Турмуш маданиятини юксалтириш — партия ташкилотларининг диққат марказида бўлсин» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

Бу сонда «Экономика, ишлаб чиқариш, меҳнат» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбоновнинг «Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда иқтисодий воситалардан тўла фойдаланайлик», В. Лаховскаянинг «Меҳнатнинг моддий ва маънавий стимуллари», Р. Олтинбоевнинг «Товар муомаласи системасида кооператив савдо», Л. Безмозднининг «Саноат эстетикасининг баъзи масалалари» сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналнинг «Пропагандистларга ёрдам» бўлимида философия фанлари доктори Қ. Хоназаровнинг «СССРда кишиларнинг янги тарихий бирлиги ташкил топиши», Н. Косенковнинг «Коммунистик жамият ва шахс» сарлавҳали мақолалари берилган.

Булардан ташқари, журналнинг «Идеология иши ва ҳаёт» бўлимида санъатшунослик фанлари доктори Л. Ремпельнинг «Ўзбекистонда санъатшунослик проблемалари», Ф. Малихиннинг «Ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни жалб қилишнинг муҳим воситаси», М. Ляховскийнинг «Пахтаорол»да халқ университети» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Шунингдек, журналнинг «Журналхонларнинг саволларига жавоб», «Хат ва корреспонденциялар» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар берилган.

ДОЛЗАРБ КУНЛАРДА...

МУХБИРЛАР ХАТЛАРИДАН

БИР группа таниқли пахта усталарининг мурожаати республикамиз пахтакорларининг меҳнат кўтаринкилигини, ғайрат ва шижоатларини янада ошириб юборди. Фидокор деҳқонларимиз ана шу жанговар чақириққа «лаббай» деб жавоб бермоқдалар, пахтакорлик шарафини улуғлаб, Ватан ва халқ олдидаги бурчларини сидқидилдан адо этиш учун астойдил меҳнат қилаётирлар. Редакциямизга келаётган кўплаб хат-хабарларда пахтакорларимизнинг баҳодирона меҳнатлари ўз ифодасини топмоқда.

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ М. Имомов бошлиқ бригадаси далаларини кўздан кечирган кишининг дили қувончга тўлади,— деб ҳикоя қилади бизга хабар ёзган Бағдод районлик ўртоқ М. Мамажонов. — Бригаданинг 120 гектар майдондаги ғўзаси серҳосил бўлиб ўсмоқда. Ғўза парваришини агротехника қоидаларига кўра ўтказаётган ишчан коллектив гектаридан 27 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилган. Газетхонлардан Й. Солихўжаев, Х. Исҳоқов, Н. Абдуллаев ўртоқлар ҳам шу райондаги «Коммунизм», «Правда», «Москва» колхозларида иш суръати ва сифати кўнгилдагидек эканлиги тўғрисида ёзадилар. Газетхон А. Мақсудовнинг ёзишича, Киров районидаги Киров номли совхозда мўл ҳосил етиштириш йўлида ғоят уюшқоқлик билан иш олиб борилаётир. Хусусан, 3-бўлим далаларида меҳнат сурони авжида. Баракали меҳнат ўз самарасини кўрсатаётир. Барча бригадалар майдонларида ғуж-ғуж шоналар гулга айлана бошлади. Гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариш бўлим пахтакорларининг аҳди. А. Носиров, Э. Имомов, С. Холматов, З. Маннонов, М. Мадумаров, Т. Жўраев, Б. Қаюмов, Ш. Саидумаров ўртоқларнинг хат-хабарларида эса Ўзбекистон, Олтиариқ, Қува районларидаги хўжаликларда ғўза парваришининг бориши баён этилади.

«Халқобод» совхози Иштихон районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Давлат хўжалиги пахтакорлари 2360 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилишган. Пахтакорлар ўз орзуларига эришиш ниятида жавлон уриб меҳнат қилишаётир. 50 чопиқ трактори далаларда узлуксиз гуруллаб, деҳқонларнинг оғирини енгил қилаётир. Райондаги «Партия XXII съезди» ва «Правда» колхозлари далаларида ҳам иш қизғин. М. Хитоев, Р. Худойбердиев, А. Наврўзов ўртоқлар ўз хатларида ана шу хўжаликларда олиб борилаётган баракали меҳнатни мадҳ этганлар. Ш. Қўзибоев, Ь. Равшанов, А. Нақибоев, Э. Худойқуловлар ҳам ўз хатларида Пайариқ, Хатирчи, Ургут, Каттақўрғон, Пастдарғом районлари пахтакорларининг мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашларини тасвирлайдилар.

Андижон районидаги Куйбишев номли колхознинг А. Йўлдошев, Ж. Эсонов, А. Комилов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида 3-комплекс парваришдан чиқарилаётган ғўзалар тенис гулга кирди. Ҳар томчи сувнинг қадрига етаётган сувчининг, мўл ҳосил иштиёқида қалб ҳарорати билан ишлаётган механизаторнинг меҳнати натижаси кўвончли бўлиши сезилиб турибди. Ана шу бригадалар фидокорлари гектаридан 35-40 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Мазкур колхоз деҳқонлари иши ҳақида газетхон С. Ҳамдамов бизга хат ёзиб юборган.

Шунингдек, О. Сотиболдиев, Т. Аҳмедов, А. Мамажонов, Э. Неъматиллаев, А. Қўлдошев, У. Сарибоев, Х. Отамуродов, О. Комилов, И. Қаландаров, Н. Аҳмедов ва бошқа ўртоқларнинг хат-хабарларида ҳам Наманган, Чуст, Задарё, Оққўрғон, Амударё, Ғиждувон, Ромитан районлари илғор хўжаликларида ғўза парвариши юксак уюшқоқлик билан олиб борилаётгани қайд этилади, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё областларидан ҳам худди ана шу мазмундаги кўплаб хат-хабарлар олинди.

Ишнинг кўзини билган тадбирли пахтакорлар шу долзарб кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилаётган бир пайтда, баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари ўзибўларчилик кайфиятига берилиб кетиб, бўшашувчиликка йўл қўяётганликлари кишини ташвишлантирмай қўймайди. Масалан, Ромитан районидаги Навоий номли колхознинг ўртоқ Д. Акрамов бошлиқ бригадасида талай майдонларни бегона ўт босган. Бу ерда суғориш агротехникаси ҳам бузилаётир. Шунингдек, Вобкент районидаги Тельман номли колхозда ҳам ғўза парвариши асоссиз равишда бўшаштириб юборилган, культивация сифати ҳам паст, катта-катта майдонларда ўсимлик бегона ўт ичида ривожланишдан қолиб кетаётир. Шу ҳақда редакциямизга хат ёзиб юборган С. Қодиров ва Р. Азимов ўртоқлар мазкур хўжаликлар раҳбарлари ана шу камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун зарур чораларни кўрмаётганликларини таъкидлаб ўтишади.

Шу долзарб кунларнинг қадрига етайлик, ғўза парваришида юз берган камчиликларни тезроқ тугатайлик, бутун куч ва воситаларни ишга солиб, дала ишлари сифати ва суръатини янада оширайлик.

Хатлардан сатрлар

«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»нинг Самарқанд район бўлими ҳузуридаги механизаторлар тайёрлаш 4 ойлик курсини 30 колхозчи битириб чиқди.

А. АҲТАМОВ.

●

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб посёлкасида қад кўтараётган 2 қаватли бинонинг биринчи қавати меҳмонхона, иккинчисида кенг экранли кинотеатр бўлади.

О. ОБИДОВ.

●

БУХОРО. Бухоро районидаги «Маданият» колхозида сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Айниқса коммунист Бешим Худоёров бошлиқ бригадада ҳар қатра сув ўз ўрнида ишлатиляпти. Шунинг учун ҳам бригада ғўзалари биринчи сувдан чиқарилди. 8 та тажрибали сувчи кечаю-кундуз сув тарамоқда.

Н. ОХУНЖОНОВ.

ТОЖИК ЁЗУВЧИЛАРИ ВОЛГОГРАДЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

ВОЛГОГРАД, 22 июнь. (ТАСС мухбири). Бугун Волгадаги қаҳрамон шаҳарда тожик адабиёти кунлари бошланди. Унда қатнашмоқ учун Тожикистон ёзувчилари, шоирлари ва танқидчиларидан катта бир группаси бу ерга келди. Волгоград аҳолиси, жамоат ташкилотларининг вакиллари пристанда меҳмонларни иссиқ кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида область партия комитетининг биринчи секретари А. М. Школьников, область ижроия комитетининг раиси Л. С. Куличенко, волгоградлик ёзувчилардан М. Агашина, А. Ананко, В. Костин, Л. Кривошеенко, Ю. Окуневлар бор эди. Меҳмонлар очиқ чеҳра билан, қучоқ очиб кутиб олинди, уларга гулдасталар тақдим этилди.

— Бизнинг делегациямиз, — деди журналистлар билан суҳбатда Ленин мукофотининг лауреати шоир Мирзо Турсунзода, — Тожикистон аҳолисидан кўнглимизга яқин бўлган қаҳрамон шаҳар — Волгоградга қардошлик саломи келтирди. Биз бунчалик сидқидилдан кутиб олинганимизга ғоят хурсандмиз.

Меҳмонлар гранит пиллапоялардан юриб, шаҳарга чиқадилар. Қаҳрамонлар хиёбони орқали ҳалок бўлган курашчилар майдонига борадилар. Мирзо Турсузода ҳамда машҳур Сталинград жангги тўғрисидаги «Вафо» романининг автори — шу жангнинг қатнашчиси Фотиҳ Ниёзий бу ердаги абадий машъал супачасига гулчамбар қўядилар.

Меҳмонлар совет кишиларининг озодлиги ва бахтсаодати учун ўз жонларини фидо қилган кишилар дафн этилган ана шу майдонда узоқ вақт туриб қоладилар.

— Даҳшатли 1942 йилда менинг акам шу ерда ҳалок бўлган эди, — дейди танқидчи Отахон Сайфуллоев. — Халқларимизнинг дўстлиги гитлерчиларга қарши курашда тўкилган қон билан мустаҳкамланган. Бу дўстлик барча синовларга бардош берди.

Тожикистон ёзувчилари билан шаҳар аҳолиси ўртасида адабиёт, янги китоблар ҳақида дилкаш суҳбат бошланиб кетади. Волгоградликлар қардош республика талантли ёзувчиларининг романлари, достонлари, пьесалари, шеърларини яхши билишади. Уларнинг китобларини минглаб ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам учратиш мумкин. Хозир эса улар шу китобларнинг авторлари билан бошланган суҳбатдан ҳузур олмоқдалар.

Бир группа ёш волгоградликлар Мирзо Турсунзодани қуршаб олиб, унга «Волгоградская правда»нинг меҳмонлар келишидан бир кун олдин чиққан сонини кўрсатишади. Газетанинг бутун бир саҳифаси тожик адабиётининг муваффақиятларига бағишланган эди.

Меҳмонлар қайта тикланган шаҳарнинг кўча ва майдонларини томоша қилишади. Меҳмонларнинг кўпчилиги Волгоградга биринчи келган кишилар бўлиб, шаҳарни зўр қизиқиш билан кўздан кечиришади.

Тожикистон ёзувчилари уч кун мобайнида волгоградликлар билан учрашиб, уларга ўз асарларидан ўқиб берадилар. Бугун кечқурун шаҳардаги энг катта заллардан бирида дастлабки гурунглашув бўлади.

НАМАНГАН районидаги Димитров номли колхозда ғўзаларни кечаю кундуз суғориш кўнгилдагидек ташкил этилган. Фотомухбир М. Иброҳимов олган бу суратда сиз уста сувчи Абдуқаҳҳор Йўлдошевнинг тунда ғўзаларга сув тараётганини кўриб турибсиз.

ПИЧАН ТАЙЁРЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

Нурота — серўт яйловлар, тизма тоғлар маскани. Ана шу тоғ этакларида ва кенг яйловларда сурув-сурув қўй-қўзилар ўтлайди. Бу районда қимматбаҳо қоракўл терилар етиштирилади.

Бу йил нуроталиклар учун айниқса баракали бўляпти. Район хўжаликлари қўзилатиш мавсумини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар, ҳар юз бош совлиқдан ўртача ҳисобда 140 тадан қўзи олишга эришилди. «Ғозғон», Ленин номли совхозларда 145 ва ундан ошириб қўзи олинди. Норбой Эргашев, Мамадиёр Шосимов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Авалбек Умаров каби кўплаб машъал чўпонлар ҳар юз совлиқдан икки юздан ошириб қўзи олишди.

Совлиқлардан кўп қўзи олиш ҳисобига районда қоракўл тери тайёрлаш ва наслга қўзи қолдириш плани тўла ва ошириб бажарилди. Давлатга пландаги 131.700 ўрнига, 187.753 дона юқори сифатли қоракўл тери етказиб берилди. Совхозлар ва улардаги бўлимлар ҳамда отарлар янги туғилган қўзилар ҳисобига тўлдирилди. Бу йил ҳамма хўжаликлар рентабелликка айланди.

Ўтган йили мустаҳкам ем-хашак базаси яратилганлиги бу муваффақиятларни қўлга киритишда муҳим омил бўлди. Совлиқлар қишловдан соғлом чиқди, «СЖК» билан эмланганлари икки-учтадан қўзилади.

— Ўтган йили,—дейди 1-«Қўшработ» совхозининг директори ўртоқ Ш. Усмонов, — ҳар қўй бошига нормадаги 150 ўрнига, икки юз килограммдан хашак тайёрлаган эдик. Бунинг қарийб 40 процентчаси ортиб қолди... Яна қишлов учун 8 минг тонна пичан тайёрлашимиз керак. Бу соҳада анча иш қилинди. 590 гектар ердаги беда майдонларида биринчи ўрим тугалланди. Мусо Қурбонов бошлиқ 3-бўлим пичан ўришда ўрнак бўляпти.

Рентабель хўжаликка айланаётган бу совхознинг бошқа бўлим ва отарларида ҳам ем-хашак жамғаришга алоҳида эътибор беріляпти. 12 сенокосилка, 5 грабиль ва бошқа техника воситалари ана шу иш учун ажратилган.

Нурота районн хўжаликларида бу йил мол туёғи ҳар йилдагидан кўп қолдирилди. Ихтисослаштирилган 6 та совхозда қўйлар сони пландагидан анча кўп. Бу, кўпроқ ем-хашак жамғаришни талаб қилади. Ўтган йилдан ортиб қолган 21.400 тоннадан ташқари яна 40.750 тонна ем-хашак тайёрлаш планлаштирилган. Бунинг кўп қисми табиий ўт-пичандан жамғарилади. Бунинг учун хусусан, «Ғозғон», 1-«Қўшработ», 2-«Қўшработ», Ленин номли совхозларда яхшигина имкониятлар бор. Лекин, ана шу хўжаликларда бу муҳим ишга ҳамон етарли эътибор берилмаётир. Табиий ўтларни ўриб олишга кучлар тўла сафарбар этилмаётир.

Вақт ўтган сари табиий ўтлар қовжираб қолаверади. Шунга қарамасдан, районда ем-хашак жамғариш плани энди 8,3 процент бажарилди. Июннинг учинчи беш кунлигида графикдаги 3.200 тонна ўрнига, эгиги 1.700 тонна пичан ўрилди. Ем-хашак тўплашда ишлаши зарур бўлган 130 сенокосилканинг бир қисми ҳануз ремонтдан чиқарилгани йўқ. Грабиллар, тележкаларнинг ярми пичан ўришда қатнашяпти.

«Нурота», «Қизилча» совхозларида иш суръати янада суст. «Қизилча» совхозида эндигина 196 тонна пичан жамғарилиб, план 3,9 процентга етди, холос. Совхоз маъмурияти (директори ўртоқ К. Одилов) табиий пичанлардан унумли фойдаланиш юзасидан зарур тадбирлари амалга оширмаётир.

2-«Қўшработ» совхози 900 гектар беда майдонига эга. Лекин хўжалик беда ўришга кечикиб киришди. Талай майдонлардаги беда ҳали биринчи ўримдан чиқмай ётибди. 22 та трактор ва 15 та от сенокосилкасидан ғоят унумсиз фойдаланилаётир.

Хўжаликларнинг раҳбарлари қулай фурсатларини беҳуда ўтказмасликлари, барча куч ва техника воситаларини ишга солиб, ем-хашак тайёрлашни кучайтириш тадбирларини кўришлари зарур.

Л. ЭРГАШЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хатларингизга жавоб берамиз

ДОҒ ТУШИРМАНГ

Фурқат номли 79-мактабда таълим-тарбия ишларининг савияси паст. Ўқитувчилар ўзларининг назарий билими ва тажрибасини ошириш устида жунт билан ишламайди. Айрим ўқитувчилар педагогик маълумотга эга эмас. Район партия ва совет ташкилотлари, халқ маорифи бўлимининг раҳбарлари аҳволдан тўла хабардор бўлганлари ҳолда мактабни малакали ўқитувчи кадрлар билан мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш чораларини кўрмаётирлар. Масалага редакциянинг аралашувини илтимос қиламиз. Шеробод районлик бир группа меҳнатқашлардан олинган хатда шундай дейилган эди.

Редакция хатни Сурхондарё область партия комитетига юборган эди. Обком секретари ўртоқ Х. Азимов имзоси билан олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Текширишда хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Текшириш якуни район партия комитети ва область партия комитетининг бюро мажлисларида муҳокама қилинди. Юқорида тилга олинган камчиликларга йўл қўйгани учун Т. Нуримов мактаб директорлигидан четлатилди. Педагогик маълумотга эга бўлмаган Давлатов, Эдиев, Даниловлар ўқитувчиликдан бўшатилди. Ўқитувчилардан Фармонов ва Аҳмедовларнинг ножўя хатти-ҳаракати муҳокама қилиниб, улар бошқа мактабга ўтказилди. Мактаб коммунист-педагог кадрлар билан мустаҳкамланди. Таълим-тарбия ишларини яхшилаш чоралари кўрилди.

Сув қиссаси

Чингиз Айтматов

Яқин кишилар орасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар ҳам вақти келиб жуда мураккаблашиб кетиши мумкин. Мана ҳозир Собирбек сўзлай бошлаганда, Қоратой унинг сўзларини менга ҳеч қандай қизиғи, тегишли жойи йўқ, дегандай, шунчаки тинглаб ўтирди. Улар гўё илгаридан келишиб қўйган кишилардек, бир-бирини ҳеч вақт ёмонлаб ҳам, яхшилаб ҳам гапирмас эдилар. Сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман, сен менинг ишимга аралашмасанг, мен сенинг ишингга аралашмайман, деб келишиб қўйгандай бир-бирларини ёқтиришмасалар ҳам бири иккинчисига гап тегизишдан эҳтиёт бўлиб юришарди. Олдин дўстлашиб юрган кишиларнинг ораси тўсатдан бузилиб, йўллари икки томонга айрилиб кетганда одатда шундай бўлади: яхши, ёмонни яширишиб бир-биридан узоқлашаверишади. Уларнинг дўстлиги одам қатнамай қўйган ёлғиз оёқ йўлни ўт босиб кетгани каби бора-бора, ўз-ўзидан унутилиб, қалбдаги ўкинчларни бир-бирига айтишмай, зиддиятлар кучайиб, кек сақлайдиган бўлиб қоладилар. Улар очиқдан-очиқ қасдлашиб қолмаса ҳам, ҳар бири ўз дардини ичига ютиб, пайт пойлаб юради. Мабодо, улардан бири қўл кўтариб қолгудай бўлса, иккинчиси ҳам от суриб майдонга киради. Ана шунда улар бир-бирига душман эканини яшириб ўтирмасдан, юзма-юз келади.

Ҳозирча кўнглида бирор ғарази бўлмаган Қоратой Собирбекнинг сўзларини совуққонлик билан тинглаб ўтирарди.

Собирбек у-бу деб эзмалик қилиб ўтирмасдан, гапнинг бўларини айтаётган эди:

— Бу ерда баъзи бирларимиз сувни тақсимлаш масаласи қайта кўриб чиқилсин, текширилсин, деган фикрни айтяпмиз, — деди, у бамайлихотир сўзлаб. — Бу бир томондан тўғри, албатта. Чунки ҳар бир ишни қайта-қайта кўздан кечириб, текшириб туриш — фойдадан холи эмас. Бизнинг сувчиларимиз — гидротехниклар ҳам буни аллақачон инобатга олиб қўйишган бўлса керак. Бу ҳақда уларнинг ўзлари гапиришар. Биз, мироблар эса бу ерда бундан бошқа ишлар тўғрисида кенгашиб олишимиз керак. Акс ҳолда «Сув етмаяпти, чанқадик, кўпроқ сув бер!» деб айюҳаннос сола берадиганга ўхшаймиз. Агар сувни кўпайтириб бергачлари тақдирда ҳам яна сув етмайди деб чопганимиз чопган. Сувнинг кўпи яхши. Сув қанча мўл бўлса, нон ҳам шунча сероб бўлади, бу ҳаммага маълум. Лекин баъзи бировлар Чуй ариғининг ҳаммасини даласига буриб юборсанг ҳам кўзи тўймай, ўшанда ҳам сув етмайди деб зорланади. Йўқ, ўртоқлар, бу кулги эмас. Бу муаммо ҳар биримизни қаттиқ ўйлантирмоқда. Ахир ариқдаги сувга худонинг шунчаки оқиб ётган суви деб енгил-елпи қараш мумкин эмас-да. Сув деб қанчалик ташвиш тортяпмиз, меҳнат қиляпмиз... Шундай экан, бу ҳақда бафуржа ўтириб гапиришиб олайлик... Мана масалан, кўкламда далани кезган вақтингда, бир текисда униб чиққан экинларни кўриб қалбинг қувончга тўлади, кузга келиб хирмон кўтарилганда ҳосилни кўриб хафсаланг пир бўлади. Мана ҳозир ҳам экинлар сув юзини кўрмай қуриб кетяпти... Нега шундай бўляпти? Сув етишмаслигиданми? Йўқ, бундай эмас. Менингча, ҳар бир колхозда етарли сув бор, ҳатто сувга серобмиз ҳам дея олишимиз мумкин. Хўш, шундай экан, асосий гап нимада?

Собирбек коридорда ўтирган бир гала одамлар томон ғоздай бўйни чўзиб қараркан, бирдан Қоратойга кўзи тушиши билан тақир қирилган бошини қашиб, хаёлига бирор нарса келгандай бир оз жим турди-да, яна гапини бошлаб кетди:

— Ҳар ким кўрган-билганини гапиради. Қоратой билан иккимизнинг овулимиз ёнма-ён. Бир ариқдан сув ичамиз. Катта ариқнинг нариги соҳили уларники, бериги соҳили бизники... Бу томондан Қоратойни дўст деб биламан. Мен уни ёмонламоқчи эмасман, лекин мен бугун ҳақ гапни айтолмасдан ҳам туролмайман. Сен ҳам миробсан, мен ҳам миробман. Ўзингга маълум, «дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб» деган мақол бор.

Собирбекнинг бу сўзларини тинглаб ўтириб Қоратой ўз қулоғига баъзан ишонгиси келмасди. Бу гапларнинг ҳаммаси унга тўғридай бўлиб туюларди. Бироқ тўғри сўз тошни ёрар, деганларидай, унга ёқмасди.

Собирбекнинг сўзлари аста-секин Қоратойга оғир бота бошлади. Собирбек ҳақ гапларни айтаётган бўлса ҳам, Қоратой уни аксинча тушуниб, ғазабланаётган эди. Қоратой алданадиган анойилардан эмас. Собирбек нима учун бошқаларни мисолга келтирмай, унинг иши ҳақида гапираётганини яхши пайқарди. Собирбек ундан ўч олмоқчи. У шу кенгашда халқнинг кўз олдида атайлаб унинг обрўйини тўкиб, шарманда қилмоқчи. Бўлмаса, «Бештош» колхози экинларни суғоришда энг орқада қолган деб бунчалик жаврамасди.

Ҳақиқатан ҳам, Собирбек бугун ечиниб олиб курашга тушган кишидай дўстларини ҳам, бошқаларни ҳам юз-хотир қилмай, қаттиқ танқид қилаётган эди:

— Қачон бўлса сув оз, сув етишмайди,— деб баҳона қилиб юради. Бу одатингни ташла, Қоратой. Акс ҳолда иш ҳам юришмайди, экин ҳам ўсмайди. Сенинг ихтиёрингга уч юз литр сув бериб қўйилибди. Деҳқон тили билан айтганда, бу олти қулоқ сув! Ҳой, бу ҳазилакам сув эмас. Мен ҳам уч юз литр сув оламан. Бизнинг экин майдонимиз ҳам деярли тенг. Шу сувнинг ўзидан ҳам тежаб-тергаб фойдалансак, худо ҳаққи, етиш у ёқда турсин, ҳатто ортиб қолиши ҳам мумкин. Лекин, сен ўша ўзингга берилган сувнинг ҳаммасидан тўла фойдаланаётибсанми? Ҳамма гап ана шунда! Мен ҳозир сенга тўппа-тўғрисини айтиб бера қолай. — деб Собирбек чўнтагидан блокнотини олди. Ўтирганлар қўзғалиб ивир-шивир қила бошлашди: «Собирбекнинг гаплари тўғри! Ҳамма бало ўзимизда! Сув исроф бўлиб кетяпти». Собирбек блокнотини варақлаб, бир жойини очди-да, гапира бошлади:

— Агар шу вақт ичида суғорилган ер майдонлари ҳисоблаб чиқилса, ҳалиги уч юз литр сувдан фақат бир юз етмиш литригина фойдаланилгани маълум бўлади. Шундай экан, қолган юз ўттиз литр сув қаерга кетган? Бу сувнинг бекорга оқиб ётгани ўзларингизга ҳам аён, Қоратой. Хўш, нима учун булар ҳақида гапирмайсизлар. Бу мирobнинг иши эмасми? Ҳосил оламиз дер эканмиз, ҳар куни уч маҳал овқат ейишни канда қилмаганимиздек, экинларни ҳам бир соат кечиктирмасдан қондириб суғориб туришимиз керак. Бунинг учун эса мироб эрта-ю кеч далада, сувнинг бошида туриб жон куйдириб ишлаши керак. Қоратой, сен тунги суғоришда бўласанми? Йўқ, албатта. Одам бўлиб ҳали бирор марта сени кечаси сув бошида кўрганим йўқ! Ариқларга тақсимлаб берилган сув қаерга оқяпти, уни ким бошқаряпти? Сен шуларни текшириб кўрдингми? Йўқ албатта, сен буни қилаётганинг йўқ. Қачон қарамай тўғон бошида, рейканинг кўзингни узмай ўтирганинг ўтирган. Агар, сув режадан салгина пасайдими, дарҳол гидротехникларга: менга сув етмаяпти, сув беринглар, деб чопиб қоласан. Аммо шу пайт пастда қанча сув фойдаланилмай, исроф бўлиб оқиб ётгани билан сенинг ишинг йўқ. Қандай бўлмасин, бировнинг ҳисобидан бўлса ҳам, кўпроқ сув олиш пайидан бўласан, ўзим бўлай дейсан. Бошқалар сувсиз қолса ҳам сенга барибир. Олма пиш, оғзимга туш, деб доимо рейканинг тагида ўтирасан... Асов отни ўргатиб минган каби сувнинг ҳам тизгин-юганини қаттиқ қўлга олмасанг тўғри келган томонга уриб кетади... Буни унутма Қоратой, сенинг ўрнинг рейканинг тагида, қулоқ бошида ўтириш эмас, балки далада, сувчиларнинг орасида...

Собирбек борган сари қизишиб сўзлай бошлади. Унинг сўзлари Қоратойгагина эмас, ўтирганларнинг ҳаммасига қаттиқ ботаётгандай эди. Мироблар бошларини эгиб, жиддий қиёфада жимгина ўтиришарди.

Собирбек «Бештош» колхозида ишламаса ҳам, у колхозни миридан-сиригача ўрганиб чиққандай гапирарди. «Бештош» колхозида суғориш ишларига эртароқ тайёргарлик кўрмайдилар. Фақат сув босиб кетгандан кейингина ташвишга тушиб қоладилар. Тажрибали деҳқонлар бундай қилмайди, улар эрта кўкламдан бошлаб тараддудга киришади. Суғориш карталарини ишлаб чиқишади... Ерга қўш тушиши билан пешма-пеш янги ариқлар олиниб, тўғонлар тузатиб қўйилади, эски ариқлар қазиб тахт қилинади, тажрибали сувчилар танланиб, уларнинг ҳар бири маълум карталарга бириктиб қўйилади. Бироқ «Бештош» колхозида бундай ишлар қилинмайди. Қоратой бўлса бундай ишлар билан етарли шуғулланмайди, ҳаракат ҳам қилмайди.

— Қоратой, сенларга ажратилган сув экинларга етиб бормасданоқ, эски ариқларда йўл-йўлакай қуриб, йўқолиб кетмоқда. Шу зайлда экинлар сув ичмасдан қолиб кетяпти, колхознинг олаётган ҳосили ҳам камайиб кетяпти. Бу билан иш битмайди.

Ҳаммамизга маълум, ҳар бир литр сув учун колхоз пул тўлайди. Сенларда бўлса, сувлар чўлда исроф бўлиб кетгани учун биргина ўтган йилнинг ўзида колхоз эллик минг сўмдан ортиқ зиён кўрди. Бутун район бўйича эса фойдаланилмай исроф бўлиб кетган сув учун неча минглаб сўм зарар кўрдик. Агарда бунинг устига, сифатсиз суғориш натижасида ҳосилнинг камайиб кетганини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, келтирилган зарар миқдори ўн баравар, юз баравар ошиб кетиши мумкин. Эй, оғайнилар, бунинг учун ким жавоб беради? Ўзларинг айтинглар-чи, ким жавоб бериши керак? Менимча, аввало бунга биз, мана мен, мана сен, Қоратой, мироблар жавоб беришимиз керак. Ўзларинг бир ўйлаб кўринглар-чи, мабодо, чўпон бир улоқ йўқотса, у улоқни тўлайди. Шунга жавоб беради. Агарда бизнинг мироблар вақти билан юзлаб кубометр сувни исроф қилиб юборсалар ҳам жавобгарликка тортилмайди. Ахир, ўртоқлар, бунга чидаб бўладими? Сув, — бу миробнинг боқиб юрган моли. Яхши мироб ундан доимо кўз-қулоқ бўлиб туради, ҳар бир томчисини ҳам тежаб-тергаб сарфлайди. Мана шундай ҳаммамиз тўпланишиб ўтирганда айтадиган таклифим шуки, меҳнат куни миробнинг вазифаси учун ёзилмасдан, балки иш жараёнида фойдаланган сувнинг ҳисобидан ёзилиши керак, сиз қўшни районнинг вакилларидан менинг бу таклифимни ҳамма ерда қувватлашларингизни сўрайман... От устида юриб мироблик қилган бошқа-ю, сув кечиб жонини жабборга бериб мироблик қилган бир бошқа...

Қоратой бу сўзларни эшитиб безовталаниб ўтирарди. Бу ҳам майли-я, айниқса Собирбекнинг «сен», «сен» деб қўлини найза қилиб, кўрсатиб гапирган гаплари унинг суяк-суягидан ўтиб кетди.

Қоратой ўтирганларнинг ҳаммаси ўзига тикилиб қараётганини сезиб турарди. Унинг шу пайт ер ёрилса-ю ерга кириб, кўздан ғойиб бўлгиси келди.

У қайноқ сувга пишиб олингандай бети-боши тарам-тарам қизариб кетган эди. Кенгаш тамом бўлиши билан у ижрокомнинг эшигидан биринчи бўлиб югуриб чиқди-да, шу бўйича отига ирғиб миниб, тўппатўғри далага қараб чопиб кетди. Бироқ у от устида кетаётганда ҳам Собирбекнинг сўзлари унинг қулоқ остида жаранглаб эшитиларди. Гўё Собирбек унинг орқасидан қувиб келаётгандай эди. Қоратой «Учтепа» томон чопиб бораркан, у ҳамон кенгашда айтилган гапларни бир-бир эслаб турли хил хаёлларга чўмарди. Аммо қанча ўйламасин, Собирбекнинг айтган гапларини маъқул кўрмасди. Ўзини оқламоқ учун қандай бўлмасин, турли хил далиллар излаб топишга ҳаракат қиларди. Лекин шундай бўлса-да, топган жавоблари уни тинчитмас, ховуридан туширмас эди. Қоратойни изтиробга солаётган нарса: кенгашда гангиб қолиб, Собирбекка ҳеч бўлмаса бир оғиз ҳам жавоб қайтаролмагани эди. Мана энди Собирбек уни бурнига сиртмоқ солинган туя каби ўз изимига солиб олди. Эҳ, каллаварам, Собирбекнинг бундай айёрлигини сал илгарироқ билмабди-я! Зарба бериб, шохини синдириб, иккинчи марта оғиз очмайдиган қилиб қўярди-куя!

Бироқ нима ҳам дея оларди? Сен, Собирбек, бошқаларнинг ишига аралашмасдан, ўзингни билавер деб энди айтиб бўлармиди? Энди ҳеч ким унинг тўғрисида шикоят қилолмайди. Собирбекни бутун район билади. У моҳир сувчи, энг яхши мироб. Собирбекнинг колхозида беда ҳар йили тўрт марталаб ўриб олинади. Унинг колхозида силосга мўлжаллаб экилган жўхорининг ҳар бир гектаридан олти юз центнердан ҳосил олинади, колхозчиларга ҳар бир меҳнат куни учун район бўйича ҳаммадан кўп пул, ғалла, гўшт, мой берилади. Область газетаси Собирбек ҳақида мақолалар босиб, ундан ўрнак олишга чақирди. Билими жиҳатидан ҳам Собирбек ҳаммасидан устун. Кўпчилик колхозларда жўхорини ер етилгандан сўнг ёппасига суғоришади дейишади. Маълум бўлишича, бу эски усул яхши натижа бермабди. Унинг фикрича жўхорини жўяк-жўяк қилиб сингдириб суғориш маъқул экан. Шунда ҳосил икки баравар ортар эмиш. Унинг айтишича, агар каноп ҳозирги кунда қониб сув ичса, суткасига 12-14 сантиметргача ўсиши мумкин эмиш. Тавба, ҳар бир ўсимликни ўлчаб юргандай гапиради-я! Қишда суғориш масаласини кўтарган ҳам Собирбек эмасмиди? Ерни қишда ҳам суғориши керак экан, шунда ер намликни яхши сақлар эмиш. Буни эшитиб турган ёнидаги бир чол: «Оббо шайтон-эй», — деб ёқасини ушлаб, Собирбекка тан бераётганини Қоратой ҳам кўриб турган эди. Тўғри, Собирбекнинг илми зўр, ўзи ҳам ишнинг кўзини билади, узоқни кўради!

Қоратой-чи? У нимани билади? Қоратой ҳам мироблик касбини Собирбекдан кам билмайди, албатта. Улар иккаласи ҳам мироблик курсида бирга ўқишган. Аммо Собирбекнинг бахти бор экан. Илғор колхозга келди-ю ишлаб, тезда ном чиқарди. Хўш, у «Бештош» колхозида ишлаб кўрсин-чи! Унинг кимлиги шунда маълум бўлади! Даставвал Қоратой ҳам ишга зўр ихлос билан киришган эди. Унинг ҳам ҳалол меҳнат билан халқ ўртасида шуҳрат қозонсам деган орзу-умидлари бор эди. Аммо, иш бошиданоқ чаппасига кетиб, ўзини ўнглаб ололмади. Раислар бири келиб, бири кетиб тез-тез алмашиниб турди. Ана шундай шароитда янги таклифларни амалга ошириб, ҳавас билан ишлаб бўлармиди... Ойлар, йиллар ўтди. Қоратой ҳам бора-бора ишнинг боришига қараб кўникиб қолди...

Тақдир, атайлаб қилгандай, кўп вақт Қоратой билан Собирбекни тез-тез учраштириб турарди. Уларнинг қишлоқлари ҳам ёндош эди, ёшлигидан бир-бири билан таниш эдилар, кейинчалик ўспиринлик кезларида «ШКМ»[1] мактабида бирга ўқишди. Уруш пайтида ҳам улар бир батальонда хизмат қилдилар.

Белоруссияда походда кетаётиб, жилдираб оқаётган кичик сувнинг бўйида дам олиб ўтиришганлари ҳали-ҳали эсида. Торгина ариқчанинг ёқасидаги буталар, сув ичида ўсган қалин камишлар, мусаффо осмон, сукут сақлаб турган тушки пайт, хуллас, атрофдаги жамики нарсалар нафасини ичига ютиб, сокин оқаётган сув тинчлигини бузмасликка тиришаётгандек туйиларди. Шу пайт отишмаларнинг овози ҳам эшитилмай, бир лаҳзага уруш даҳшатлари унутилиб, тинчлик ҳукм сурарди. Сукунат оғушига чўмган солдатларнинг ҳар бири ўзича турли хил ширин хаёлларга берилган. Собирбек этигини ечиб қайта кийётган эди, кўзи сувга тушиб, тикилиб қолди:

— Эҳ оғайни, бизнинг қадрдон тоғ сувларимиз қандай ажойиб-а. Уларни жуда ҳам соғиндим-да, Қоратой! — деди у. — Ҳар бир ариқнинг суви ўзича бир туганмас бойлик эканини энди пайқаб ўтирибман. Оқопда ётганимда баъзан сувнинг шилдираб оқаётгани эшитилиб тургандай бўларди... Омон-эсон уйга қайтиб борсак, албатта сувчи бўламиз... Ўшанда сен ҳам мен билан бирга далага, суғоришга чиқасан. Ахир, деҳқоннинг ҳузур-ҳаловати суғоришда эмасми. Сенинг Хонимгулингни ҳам бирга эргаштириб оламиз...

1) Боши газетанинг 23 июнь сонида.

[1] «ШКМ»—30 йиллардаги овул қишлоқ ёшларининг мактаби.

(Давоми бор).

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Болгар халқининг миннатдорчилиги ❋ Осиё — Африка мамлакатларининг кўпчилиги—СССРнинг Жазоир конференциясида қатнашуви тарафдори ❋ *Вьетнам осмонида жанглар* ❋ Америка империализми—миллий озодлик ҳаракатининг душмани

ИРОҚ МАТБУОТИНИНГ ОВОЗИ

БАҒДОД, 22 июнь. (ТАСС). «Албилод» газетаси Осиё ва Африка мамлакатларининг яқинда очиладиган конференциясини шарҳлаб бундай деб ёзади: «Жазоирда бўладиган конференцияга Совет Иттифоқи амалда таклиф қилинди, деса бўлади, чунки Африка — Осиёдаги бир қанча мамлакатларнинг истаги ана шундай».

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди «Алфажр Алжадид» газетаси, Осиё давлатидир, шу сабабли у шу конференцияда қатнашишга ҳақлидир. Совет Иттифоқи Жазоирда бўладиган Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясида қатнашмоғи лозим, деб ёзади пировардида газета.

ЖАНУБИЙ Вьетнам ватанпарварлари ҳукумат қўшинларига сезиларли зарба бермоқдалар, американликларнинг постлари ва базаларига ҳужум қилмоқдалар, йўлларга пистирма қўймоқдалар. Суратда: Куй Нонда партизанлар портлатган бино.

(ТАСС фотохроникаси).

ҚАРДОШ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

АФРИКА ВА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК ПОЛЬША КОМИТЕТИ

ВАРШАВА. Бу ерда Африка ва Осиё халқлари билан бирдамлик Польша комитети тузилди. Комитетнинг таъсис мажлисида шу ташкилотнинг устави қабул қилинди. Уставда бундай дейилади: комитет Африка ва Осиё халқларининг эски ва янги мустамлакачиликка ҳамда империализмга қарши, миллий ва социал озодлик учун, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ижтимоий ва сиёсий арбобларни, олимлар ва маданият ходимларини, шунингдек муассасалар, ташкилотлар ва союзларни бирлаштиради. Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Э. Шир комитет президиумининг раиси қилиб сайланди.

ЁВУЗЛИК ТАКРОРЛАНМАСЛИГИ КЕРАК!

СОФИЯ. Болгария матбуоти 22 июнда гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилган куннинг 24 йиллигини нишонлади.

«Работническо дело» газетаси ўзининг бош мақоласида бундай деб ёзади: 22 июнда қилинган ёвузлик такрорланмаслиги керак. Гитлер Совет Иттифоқига қарши урушда ўз бошини ўзи еди. Ўша пайтда Совет Иттифоқи танҳо эди. Ҳозир эса социализм ва тинчлик кучлари ғоят ўсди.

Болгар халқи Улуғ Ватан уруши йилларида ўз совет биродарлари кўрсатган қаҳрамонона жасоратдан ҳойил қолганликларини бугун яна бир марта изҳор этади, бизга озодлик келтирган Совет Иттифоқига ва унинг енгилмас армиясига миннатдорчилик билдиради, деб давом этади «Работническо дело» газетаси. Бизнинг мамлакатимиз тинчликсевар сиёсатини ўтказа бориб, вайронгарчилик келтирувчи янги урушларнинг олдини олиш учун, социализм қурилишида тинч шароитларни таъминлаш учун, барча халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун СССР олиб бораётган курашни актив тарзда қўллаб-қувватламоқда.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК — ТАШҚИ СИЕСАТ НЕГИЗИ

БУХАРЕСТ. Румыния Ишчи партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Румыния Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. Апостол Галац область партия конференциясида бундай деди: социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва қардошларча иттифоқ партия ва давлатимиз бутун ташқи сиёсатининг негизини ташкил этади. Айни маҳалда Румыния, ижтимоий тузумидан қатъи назар, барча мамлакатлар билан қардошлик муносабатларини ривожлантириш учун курашмоқда.

Г. Апостол ўз нутқида Америка империализми Вьетнамда ва Доминикана Республикасида вужудга келтираётган агрессия ўчоқлари хавф туғдираётганлигига эътиборни жалб этди. Румыния Халқ Республикаси, деб таъкидлади у, бошқа социалистик мамлакатлар билан, барча тинчликсевар кучлар билан биргаликда вьетнам халқининг ўз мустақиллиги ва территориал даҳлсизлиги учун, Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш ва мамлакатни бирлаштириш учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши билан бирдам эканлигини қатъий равишда изҳор этиб келди ва изҳор этмоқда.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

БЕРЛИН. Маркклебергда қишлоқ хўжалик виставкаси очилиши муносабати билан Германия Демократик Республикасига келган чет эллик меҳмонлар орасида СССР Госплани раисининг ўринбосари, СССР министри Н. П. Гусев бошлиқ Совет Иттифоқи делегацияси ҳам бор. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси В. Ульбрихт Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни қабул қилди.

ҚУЗҒУНЛАР ЗАРБАГА УЧРАМОҚДАЛАР

ХАНОЙ. Америка ҳарбийлари эндиликда Шимолий Вьетнамга фақат Американинг 7- флоти жойлашган жанубдангина эмас, балки Таиланд аэродромларидан — Ғарбдан ҳам ҳужум қилмоқдалар. Кейинги кунларда Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг ғарби-шимолидаги Шон-ла вилоятига ҳужумини кучайтирмоқда.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳарбий қўмондонлигининг хабар беришича, 20 июнда Америка авиациясининг навбатдаги ҳужуми вақтида Шон-ла мудофаачилари беш самолётни, жумладан учта қирувчи-бомбардимончи самолётни уриб туширдилар. Парашют билан ўзини ташлаган Америка учувчиларидан бир нечтаси кўнгилли тоғли лашкарлар томонидан ушлаб олинди.

20 июнда Шимолий Вьетнам ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи самолётлари яна осмонга кўтарилди. Улар Хоа-Бинь вилоятининг анча ичкарисига кириб борган Америка самолётларига ҳужум қилдилар. Ҳаводаги шиддатли жанг натижасида вьетнамлик учувчилар Американинг икки самолётини уриб туширдилар.

Шундай қилиб, ҳаво жангларида Вьетнам авиацияси уриб туширган Америка самолётининг сони олтитага етди.

Худди шу куни 7-флот авианосларига жойлашган Америка самолётлари Тхань Хоа, Нге-Ан ва Ха-тинь вилоятларига ҳужум қилди. Нге-Ан зенитчилари бир самолётни уриб туширдилар.

21 июнь куни эрталаб соат 10 да Америка авиацияси Мок-Тяу уездига, Шон-ла вилоятига ва Ханойнинг Ғарби-шимолидаги бошқа районларга ҳужум қилди. (ТАСС).

АФРИКАДА «ЯШИРИН УРУШ»

Ўтган йилнинг охирида АҚШ сенатининг ички хавфсизлик масалалари бўйича кичик комиссияси жуда ғалати ҳужжатларни эълон қилди. Бу ҳужжатларда Москва университети ўқув программаси тўғрисида ҳам гап юритилади. Бу программа билан Американинг ички хавфсизлиги ўртасидаги алоқа ҳар қандай кишига ғализ туйилиши мумкин. Аммо, кичик комиссия раиси сенатор Томас Додд учун ғализ туйилмайди. Биз газетхонларга фақат шуни айтиб ўтмоқчимизки, бу «ҳужжатлар»дан маълум бўлишича, 1960 йил қишида африкалик студентлардан 200 киши Москва университетидаги «хурофий фанлар» дарсига қатнаб... жодугарликни ўрганган эмиш. Жодугарларни кўплаб етиштириб чиқариш зарурати тўғрисида лекторлардан бири шундай деган эмиш: «Баъзи халқлар орасида жодугарлар ўнлаб пропагандистлар қила олмаган ишни бажариши мумкин».

Бу ваҳший алаҳсирашга Доддга ўхшаган сенаторлар ишонмаса, бошқа ҳеч ким ишонмайди. Бу «ҳужжатлар» АҚШда қўлланиш учун эмас, балки Африкага экспорт қилиш учун, коммунизм ўз мақсадлари йўлида ҳатто жодугарлардан ҳам фойдаланмоқда, деб Африка халқларини «коммунизм хавфи» билан қўрқитиш учун тўқиб чиқарилгандир. Америка ирқчи пропагандистлари африкаликлар шундай бемаъни гапларга ҳам ишонаверадилар деб умид қилмоқдалар. Бундай «ҳужжатлар»ни нашр этиш Америка янги мустамлакачилари Африкада Африкага қарши олиб бораётган «яширин уруш»нинг бир қисмидир ва бу ўзининг ўтакетган аҳмақоналиги билан ажралиб туради, холос.

Африкада миллий озодлик ҳаракатига қарши кўп йиллардан буён эълон қилинмай уруш олиб борилмоқда. Бу уруш туҳмат ва игвогарликни, қўпорувчилик ва қотилликни, иқтисодий санкциялар ва қуролли интервенцияни ўз ичига олади. Бу уруш иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейиноқ бошланган, лекин 1961 йилдан сўнг жуда авж олиб кетди.

Кубага қарши интервенция барбод бўлгандан сўнг АҚШ ҳукмрон доиралари тобора кучайиб бораётган озодлик курашига қарши жиддий ҳаракат қилиш учун ўзларида жазоловчи малакали кадрлар етишмаслигини, «яширин уруш»га алоқаси бўлган тарқоқ муассасаларнинг ишини мувофиқлаштириб борувчи раҳбарлик маркази етишмаслигини англадилар.

Ана шундай марказ — «Контринсургент ҳаракатлар бўйича махсус группа» тузилди. Бу группага қуролли кучлар штаблари бошлиқлари бирлашган комитетининг раиси, давлат секретарининг ва мудофаа министрининг ўринбосарлари, марказий разведка бошқармасининг вакили ва бошқалар кирди. Бу группанинг фаолиятига қандай аҳамият берилаётганлигини шундан ҳам билса бўладики, группа аъзолари мунтазам равишда Оқ уйда, яъни президент резиденциясида учрашиб турадилар.

Группанинг вазифаси унинг номи билан боғлиқ бўлган партизанларга қарши тактика проблемаларини ишлаб чиқишдангина иборат эмас. Бу группа миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш стратегияси билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалалар билан шуғулланади.

Америкада чиқадиган «Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» журнали Гватемала, Эрон ва Таиландда миллий озодлик ҳаракатига қарши курашда «яширин армиянинг муваффақиятлари»ни қайд қилиб ўтди. Бу журнал «яширин армия»нинг «кичик группалари» турли вақтларда «Жазоирда, Мали ва Эфиопияда» ҳаракат қилган бўлса ҳам, у Африкада камроқ муваффақиятга эришганлигини тан олди. Журнал муваффақиятларни санаб ўтишни «АҚШ программасини Африкадаги кўп мамлакатларга тарқатиш тўғрисида музокаралар олиб борилаётганлиги»ни айтиш билан тугаллайди. Бу эса диққатга сазовор фактдир.

Журналнинг бу қисқа жумлалари орқасида катта нарсалар яшириниб ётибди. Ҳозир мустамлакачилар Африкага жуда катта эътибор бермоқдалар. Қитъа жуда катта иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги учунгина эмас, балки шу билан бирга, Америка публицисти Жон Гунтернинг айтишига қараганда, бу қитъа «сўнгги марра» бўлганлиги учун ҳам унга катта эътибор берилмоқда.

Махсус группанинг Африкага нисбатан планлари ҳақидаги баъзи маълумотлар 1962 йил сентябрдаёқ аён бўлиб қолди. Ўша вақтда ҳарбий-денгиз министрлигининг ахборот бўлимига бошлиқ қилиб тайинланган контр-адмирал Жон Маккейн ўз суҳбатларидан бирида, халқаро ва ички аҳвол туфайли Африкада «коммунизмга зарба бериш учун» база барпо қилиш жуда қийин ёки мутлақо мумкин эмас, деб шикоят қилди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг ҳарбий обзорчиси Фейс ана шу суҳбатни шарҳлаб, бундан бир йил аввал, яъни 1961 йил кузида мудофаа министрлиги қуролли кучларнинг ҳамма турлари иштирокида Африканинг жанубий қисмида «можаро» чиқиб қоладиган тақдирда ўтказиладиган операциялар учун узоқ муддатли план ишлаб чиқиши лозим бўлган кичик бир орган ташкил этганлигини хабар қилди.

Бу органга «4-махсус бирлашган группа» деб ном берилди (қолган уч группа нима қилаётган экан?). Унинг штаб квартираси Виржиния штатидаги Форт-Монрода жойлашган. 4-группа планлар тайёрлайдиган район Саҳройи Кабирдан Африканинг жанубий қирғоғигача чўзилади. Ўтган йили Бельгия парашютчи жазо отрядлари Америка самолётларида Конго устига ташланган эди. Бу идеянинг ўзи ҳам Форт-Монродан чиққан бўлса ажаб эмас. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайликки, мақоланинг бошида келтирилган сохта ҳужжат 28 ноябрда эълон қилинган бўлса, парашютчилар 24 ноябрда ташланган эди. Энди бу ҳужжатларнинг аҳамияти газетхонга маълум бўлса керак.

Парашютчиларга келганда шуни айтиш керакки, 1964 йил июлида Чомбе Конго бош министрлиги лавозимини эгалламасдан анча олдин АҚШ зарбдор қўшинларининг қўмондони генерал Пол Адамс Леопольдвилга келиб кетган эди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг очиқ ёзишича, генерал АҚШнинг Ўрта Шарқ, Жанубий Осиё ва Африканинг Саҳройи Кабирдан жанубидаги қисмида мудофаа фаолияти учун жавоб беради. Адамс ўзининг «мудофаа фаолияти»ни амалга ошириш давомида Мобутунинг ҳузурига борган ва Конгодаги Америка ҳарбий миссияси офицерлари билан учрашган бўлса керак.

Жанубий Африка билан Марказий разведка бошқармаси ўртасида ҳам сирли алоқалар мавжуддир. Май ойида Доруссаломда бўлиб ўтган Пан Африка конгресси ахбороти эълон қилинди. Бу ахборотда Марказий разведка бошқармаси агентлари конгресснинг АҚШда ўқиётган Жанубий африкалик студентлар орасидаги фаолияти тўғрисида маълумот тўплаганлиги айтилади. Марказий разведка бошқармаси Жанубий Африка территориясида жойлашган, қитъанинг турли мамлакатларида прогрессив Африка арбоблари орқасидан жосуслик қилаётган ҳамда имконияти туғилиши биланоқ уларни ўғирлаб кетаётган яширин ташкилотга ҳомийлик қилаётганга ўхшайди. Лондонда чиқадиган «Обсервер» газетасининг ёзишича, бу ташкилотнинг Басутоленд, Бечуаналенд, Свазиленд, «португаль» Анголаси, Мозамбик, Жанубий Родезияда ҳамда баъзи мустақил давлатларнинг пойтахтларида, жумладан Доруссаломда, Найробида ўз агентлари бор. Бу агентлар бошқа мамлакатларнинг паспортидан фойдаланиб, чет эл журналисти, сиёсий қочоқ ва бошқа ниқоблар остида Африкадаги барча мамлакатларни кезиб юришибди.

Ғарб матбуотидаги кўпгина ишоралар Америка «яширин армияси»нинг Африка қитъасидаги актив ва ҳар томонлама фаолиятидан далолат бермоқда. «Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» газетасининг ходими яқинда Африкага бориб келгандан сўнг зўр ишонч билан «Жанубий Африка устидан контролликни сақлаш учун бўлаётган жангларда оқ танли киши ғолиб чиқмоқда», деб ёзганда ана шу «яширин армия»нинг фаолиятини кўзда тутмаганмикин?

Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракати социализм мамлакатларининг қўллаб-қувватлашига таяниб, ҳеч қандай «яширин армия»нинг кучи етмайдиган зўр қудратли ҳаракатга айланмоқда. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда АҚШ ҳукмдорлари Махсус группа олдига мустамлакачиликка қарши кучларнинг тобора ўсиб бораётган бирлигига қарши курашиш воситалари ва методларини қидиришни асосий вазифалардан бири қилиб қўйди.

Махсус группа Африкадаги ёш давлатлар раҳбарларини ва жамоатчиликни «жаҳон коммунизми» хавфи билан қўрқитиш ва антикоммунизм мустамлакачиликка қарши кучлар бирлигини парчалаб ташлайдиган асосий восита деб ҳисобламоқда. Ўтган йилнинг бошида Вашингтонда қизиқ бир ҳодиса бўлиб ўтди. 24 январда «Ивнинг стар» газетаси «Африкада давлат тўнтарилиши кутилаётганлиги муносабати билан АҚШ жанговар тайёр ҳолда турибди» деган катта сарлавҳа билан чиқди. Газета «коммунистлар Африкадаги баъзи мамлакатларда тўнтариш ясашга тайёрланмоқдалар», АҚШнинг қурол билан аралашуви эҳтимоли бор, деб ёзди. Вашингтондаги журналистлар «Стар»нинг Кенияда мухбири йўқлигини яхши билсалар ҳам, газета бу хабарни гўё Найробидан олгандек босиб чиқарди.

Бироқ, газета эртасигаёқ Африкада «коммунистлар тўнтариши» планлари ҳақида на давлат департаментида, на Пентагонда маълумотлар бор деб ёзиб чиқди. Вашингтондаги кузатувчилар бу раддияда Марказий разведка бошқармаси тилга олинмаганлигига дарҳол эътибор бердилар. Уларнинг фикрича, бу мақола Марказий разведка бошқармасида тўқиб чиқарилган. «Стар»нинг икки ходими Марказий разведка бошқармаси билан яқин муносабат ўрнатган. Аммо, Америка разведкасининг бу антикоммунистик сохта ҳужжати шунчалик қўпол тузилганки, Вашингтон дипломатлари ҳам, генераллари ҳам дарҳол уни рад қилдилар.

«Яширин армия» агентлари социалистик мамлакатларда ҳам ўз ифлос ишлари билан шуғулланишга уринмоқдалар. Америка дипломати Норрис Гарнеттнинг СССРдан чиқариб юборилганлиги муносабати билан АҚШнинг Москвадаги элчихонасида яқинда СССРда вақтинча турган Африка ва Осиё гражданлари, асосан ўқувчилар ўртасида Совет Иттифоқига қарши пропаганда юргизиш, қўпорувчилик ишларини олиб бориш учун махсус группа тузилганлиги маълум бўлиб қолди. Бу группанинг тузилиши ҳам тасодифий эмас. Бу — яқинда озодликка эришган мамлакатлар билан социализм мамлакатлари ўртасига раҳна солишга қаратилган программанинг бир қисмидир.

Сўнгги вақтда Америка мустамлакачилари ва бошқа мустамлакачилар Совет Иттифоқининг Осиё ва Африка мамлакатлари иккинчи конференциясида иштирок этишига қарши игвогарлик ишлари олиб бораётганлиги маълум бўлиб қолди. Улар куч ишлатибгина қолмай айёрлик ҳам қилмоқдалар, қурол билан бирга сўзни ҳам ишга солмоқдалар. Бироқ, миллий озодлик ҳаракатини тўхтатишга уринишлар ҳам Африка ва Осиёдаги ёш мамлакатлар билан уларнинг социалистик лагердаги дўстлари орасига раҳна солишга уринишлар ҳам сўзсиз барбод бўлади.

Б. КАРПОВИЧ.
АПН шарҳловчиси.

● ● ● ●

ЖАЗОИРДАГИ АҲВОЛ

ЖАЗОИР, 22 июнь. (ТАСС). Бугун Жазоирдаги вазият осойишта бўлди. Давлат муассасалари, транспорт нормал ишлаб турибди.

Жазоир пойтахтига Африка ва Осиё мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг яқинда бўладиган кенгаши муносабати билан Африка ва Осиё мамлакатлари иккинчи конференциясида қатнашувчи мамлакатларнинг делегациялари келмоқда. Бугун эрталаб Монголия халқ республикаси, Индонезия, Сомали ва бошқа мамлакатларнинг делегациялари етиб келдилар.

ЖАЗОИР РЕСПУБЛИКАСИ ИНФОРМАЦИЯ МИНИСТРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ЖАЗОИР, 23 июнь. (ТАСС). Жазоир Республикаси информация министрлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида «кўп кишилар, айниқса ҳукумат аъзолари қамоққа олинганлиги тўғрисидаги овозалар рад этилади».

Ахборотда ҳаммаси бўлиб беш киши қамоққа олинганлиги кўрсатиб ўтилади. Республика революцион кенгашига яқин турган манбалардан шу нарса маълум бўлдики, деб хабар беради Альжери пресс сервис агентлиги, Аҳмад бин Белладан ташқари Ҳожи Бин Аъло, Муҳаммад Сарир Нанқош, Абдураҳмон Шариф ва Абдул Жалил қамоққа олинган.

ЭФИОПИЯ ИНФОРМАЦИЯ МИНИСТРИНИНГ БАЁНОТИ

АДДИС-АБЕБА, 21 июнь. (ТАСС). Эфиопия информация министри Хайле Менассие матбуот конференциясида қуйидагиларни хабар қилди: Эфиопия Ташқи ишлар министри вазифасини ижро этувчи Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси олдидан ташқи ишлар министрларининг тайёргарлик кенгаши ишида қатнашиш учун Жазоирга самолётда учиб кетади.

Министр айтдики, Эфиопия Африка — Осиё конференциясида иложи борича кўпроқ давлатлар қатнашишини ёқлаб чиқмоқда, шунинг учун у конференция ишида Совет Иттифоқининг иштирок этишини қўллаб-қувватламоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ЗАНЖИБАР, 22 июнь. (ТАСС). Танзания Бирлашган Республикасининг биринчи вице-президенти Абайд Каруме бугун Занжибар шаҳридан 30 километр наридаги Фумба районида касалхона очилиши маросимида сўзга чиқиб, «Афро—широзий» партияси меҳнаткашлар кенг оммасининг манфаатларига жавоб берувчи сиёсатни оғишмай ўтказаверади, деб айтди.

Бу касалхона революциядан сўнг Занжибар ҳукумати национализация қилган бинога жойлашган. Илгари бир кишига хизмат қилган бино, деди Каруме, эндиликда кўпчиликнинг манфаатига хизмат қилади.

Бу — уч мингдан ортиқ киши яшайдиган Фумба районида барпо этилган биринчи даволаш муассасасидир.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

РУБОИЙЛАР

Турсам тонгда ҳар кун қуёш жамол кўрсатади.
Олиб юздан тун пардасин, камол кўрсатади.
Қиз иффати ибрат бўлса арзир қуёшга,
Юз боқсам-да юзин бир бор, хиёл кўрсатади.

— Ақл, фаросатда тенги, ўхшаши йўқ. — Нечун!? —
Билмадим.
— Аммо бепарво, елиб-ёниши йўқ. — Нечун!? —
Билмадим.
Юлдуз осмонга ҳусн бўлгани билан нур бермас ерга,
— Чунки, меҳр сўзи, севги оташи йўқ. — Нечун!? —
Билмадим.

Қалбим Сирдай мусаффо, тўлқини бор,
Қуёшдай бедоғ, нурли — ёлқини бор.
Зуҳра юлдузи доим ой ёнида,
Талпинмайди бекорга ёр — яқини бор.

Айтдим кўнглимни-ю, у дилда борин айтмади.
Тилида доим наво, чертар торин айтмади.
Парвонаман, парвона. Чунки, у — қуёш, мен — ер,
Берай десамда жоним, ихтиёрин айтмади.

Киши фақат меҳнат-ла ҳар жойда ўз ўрнин топади,
Орзу-ҳавас, ният-ла мақсад уйин тўрин топади.
Юрган етади сўзсиз,билганчи,айтади хатосиз,
Оқил қиз-йигитлар шаксиз чин вафодор ёрин топади.

Ёрим ўзи гўзал унга бошқа пардоз ортиқча,
Дилбару, хушнаво унга бошқа овоз ортиқча,
Бир-бирига ўхшашу муносиб кўк юлдузлари,
Вафоли шогирдим, унга бошқа устоз ортиқча.

Тошмамат **РЎЗИБОЕВ.**

Ўзбекистон касаба союз спортчиларининг V спартакиадаси

ФИНИШ ЯҚИН

Мана тўрт-беш кундирки пойтахтимизнинг энг яхши спорт базалари ва майдонларида, залларида республика касаба союз спортчиларининг V Спартакиадаси мусобақалари давом этяпти. Спортнинг 19 тури бўйича ўтказилаётган мусобақаларнинг деярли ҳаммасида пешқадамлар аниқланиб қолди. Тўғри, айрим спорт турларида фахрли ўринлар учун уч-тўрт команда даъвогар бўляпти. Аммо, кўпгина турлар бўйича Тошкент шаҳар биринчи ва иккинчи командаси ҳамон пешқадамлик қиляпти.

. . . Спартакиада штаби гавжум. Секретарь А. Манина бир зум бўш турмайди. Бу ерга область спорт делегациялари ва команда тренерлари, судьялар тез-тез келиб туришади. Уларнинг ҳаммаси ҳозиргина бўлиб ўтган мусобақалар натижасини штабга хабар қилгани келишган. Қайси бир спорт тури ҳақида фикр юритишни билмайсан киши. Ҳар бир мусобақа кескин ва қизиқарли ўтаётгани кишини хурсанд этади.

Баскетбол, волейбол, теннис, шахмат, енгил атлетика ва қўл тўпи бўйича бўлаётган мусобақаларда тошкентликлар аввалгидек олдинда боришяпти. Тошкент 1-командаси навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Бу сафар сирдарёликлар пойтахт баскетболчиларидан 15:56 ҳисобида, қашқадарёликлар Тошкент-2 командасидан 16:85 ҳисобида енгилдилар.

Республикамизнинг энг кучли боксчилари А. Цой ва СССР халқлари III Спартакиадасининг мукофотчиси Е. Шерстнев, штангачилар Ўзбекистон рекордчилари В. Суворов ва С. Муртазоевлар юксак натижалари билан ҳаммани хурсанд этмоқда.

Умумкоманда ҳисобида Тошкент шаҳар биринчи ва иккинчи командалари, кўнгилли спорт жамиятлари ўртасида эса спартакчилар пешқадамлик қилмоқдалар.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР • РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

Телевидение

24 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Бодринг** (болалар учун телеинсценировка), 18.50 — **Кабелчилар ташаббуси амалда** (саноат ходимлари учун), 19.10 — **Узлаштирилган ер** (телеочерк), 19.30 — **Композитор Арно Бабажанян.**

20.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.15 — **Телевизион янгиликлар**, 20.35 — **Классик куйлар**, 21.20 — **Реклама ва эълонлар**, 21.25 — **Уч опа-сингил** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VI да **Севилья сартароши**, 25/VI да **Флория Тоска.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VI да **Ешликда берган кўнгил**, 25/VI да **Жон қизлар.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Оқар Волга (кеч соат 7 ярим ва 9 ярimда), **Севги ва кўз ёши** (эрталаб 11, кундуз 1, 3 ва 5 ярим-да) — САНЪАТ САРОЙИ.

Тарбиясиз қиз — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Океандаги из — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да).

Қизил беретлар — «ЕШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА» (2-залда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 2 ва 4 да).

Бир сумка юрак — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4, кеч 6 ва 8 да).

Бир оқшом севгиси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Мафтун ороллар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳозирча фронт мудофаада — «ЮЛДУЗ» (кундуз ва кечқурун).

Ер фарзанди (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Кето ва Котэ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9-45 минутда).

Малахов қўрғони — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Океандаги из — ТЕЛЬМАН номли, НАВОИЙ номли.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
қатнаб ўқийдиган ва сиртқи бўлимларга
тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумотли гражданлардан
1965/66 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Алоқа политехникуми: телевизион техника ва радио-реле алоқаси, радио алоқаси, радио эшиттириш, район электр алоқаси ва радиолаштириш, шаҳарлараро телефон алоқаси, шаҳар телефон алоқаси, алоқанинг линия-кабель иншоотлари, почта алоқаси ихтисосларига доир техниклар тайёрлайди.

Қатнаб ўқийдиган бўлимга аризалар 31 июлгача, сиртқи бўлимга—5 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-37, Полиграф кўчаси, 70-уй. Телефон 4-35-12, 4-09-14, 4-07-12.

«Совет Ўзбекистони» газета редакциясининг коллективи ва Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси «Совет Ўзбекистони» газетасининг собиқ ходими, СССР журналистлар союзининг аъзоси Саида Муҳаммедовага онаси

Зайтуна МУҲАММЕДОВАнинг

вафот этгани муносабати билан унга таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 145.
Р. 02076.
ИНДЕКС 64543.